

Da'vat

Olimpiada — na-faqat sport bel-lashuvlari, ayni paytda har bir xalqning ma'naviy va jismoniy salohiyatini ko'r-satadigan o'ziga xos mezondir.

Islom KARIMOV



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

1931-yildan chiqa boshlagan

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

2004-yil 11-avgust, chorshanba

معرف

№ 65 (7674)

АФИНА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН XXVIII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Мухтарам спорт мураббийлари!

Аввалинбор, сизларни, сиз орқали Узбекистон спорт делегацияси аъзоларини дунёдаги энг нуфузли халқаро мусобақа – Олимпия ўйинларида иштирок этиш бахтига мусассар бўлганинг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бугун сиз мустақил Узбекистон Республикаси шарафини ҳимоя қилиш учун иккни ўздан зиёд давлатнинг 16 мингдан ортиқ энг кучли спортчилари иштирок этадиган халқаро Олимпия мусобақаларига йўл олмоқдасиз.

Сизларнинг куч-куват, файрат ва шижоат акс этган навқирон қоматингизга, ғалаба иштиёқи билан чақнаб турган кўзларингизга боқиб, юртимиз фарзандларининг ҳеч кимдан кам эмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Жаҳон миқёсидаги беллашувларда вакилларимиз эришаётган катта ғалабалар ҳам ушбу ҳакиқатни тасдиқлаб турибди.

Табиийки, бундай зафарларни қўлга киритишда миллат ва халқни бирлаштирадиган, мамлакатни дунёга машҳур этадиган спорт соҳасига кейинги йилларда сараш ва эътиборимизнинг тубдан ўзгаргани, баркамол авлод тарбияси йўлидаги узокни кўзлаб амалга ошираётган улкан ишларимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун жаҳон ахлиниң нигоҳи қадалган Афина шахрига – кескин ва ҳаяжонли курашлар майдони сари йўл олаётган сиз, олимпиадачиларимиз тимсолида ҳам ана шу сайд-харакатларимизнинг амалий сарасини кўриб турибмиз, десак, айни ҳакиқатни айтган бўламиз.

Олимпиадада нафақат голиб бўлиш, балки унда иштирок этишининг ўзи ҳам

катта бахт, деган фикрда теран маъно бор. Бу нуфузли спорт ўйинларида қатнашиш ҳукукини қўлга киритиш учун ҳар бирингиз қанчалик тер тўкиб, тинимсиз машқ қилганингизни, бу йўлда қийинчиликларни мардлик ва матонат, мустаҳкам иродада билан енгигиб ўтганингизни минглаб мухлислингиз, жамоатчилигимиз яхши билади.

Олимпиада – нафақат спорт беллашувлари, айни пайтда ҳар бир халқнинг маънавий ва ҳисмоний салоҳиятини кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Ўйлайманки, сизлар кураш майдонларига чиққанда, қандай мұқаддас замин фарзандлари эканингизни, қандай буюк зотларнинг ворислари эканингизни асло унумайтисиз ва уларга муносиб бўлишга, миллионлаб ватандошларимизнинг ишончни оқлашга интиласиз. Сизларни мардона аждодларимизнинг руҳлари қўллаб-куватлайди, ҳалқимизнинг меҳри ва умиди сизларга мадад ва қанот бағишлияди.

Сизлар Олимпиада беллашувларида ҳалқимизга хос жасорат ва шижоат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини яна бир бор намоён этасиз, жонажон Узбекистонимизнинг байробини янада баланд кўтариб, юртимизнинг шон-шукратини бутун дунёга тараннум қиласиз, деб ишончан.

Бугун сизларни масъулиятли сафарга кузатар эканмиз, ҳамманинг Ватанга, ойлангиз бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизни тилаб қоламан.

Барчангизга омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ТАДҚИҚОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Қайси жамоада бўлмасин, илмий даражали кишиларга ҳурмат-эътибор билан қаралади. Бунинг сабаби аён: ғимлар – риёзат чекувчи, ўзини мешақат куваётганини билса ҳам чекинмайдиган халқ. Демак, олимлик – мешақат чекилиб эришиладиган мартаба ва улар ўтмишдагидан кўра буғунги кунда кўпроқ таҳсинга сазовор. Турмушдаги айrim муаммолар таҳлили ва ечимида бағишиланган илмий тадқиқотлар мамлакатимизда борган сари юқори по-

ғонага кўтарилимокда. Бу эса Узбекистоннинг аввало, порлоқ эртасини, қолаверса, унинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тараққиёт этиб боришини таъминловчи жараён ҳамдир.

Суҳбатдошларимиз истиқлол йилларида турли илмий даражага эришган кадрлар бўлиб, мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида ёки илмий-ишлаб чиқариши корхоналарида фаолият кўрсатишади.

(Давоми 3-бетда)



АФИНА –
2004 Да
ЎЗБЕКИСТОН-
ЛИКЛАР

15-бет

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

ЁЛГОН
ШАҲОДАТНОМАЛАР
ўрта мъалумот тўғрисидаги баъзи
хужжатларнинг
расмийлаштирилишида йўл
кўйилган камчиликлар тўғрисида

2-3-бетлар

МАКТАБЛАРГА
МИЛЛИЙ ГЛОБУС

4-бет

БОЛАНГИЗНИНГ
КОМПЬЮТЕРИ БОРМИ?

5-бет

КИМЁ ТАЪЛИМИ:
ТАШКИЛИЙ ВА
ДИДАКТИК
МУАММОЛАР ХУСУСИДА

6-бет

ДУНЁНИНГ БЕШИНЧИ
ОКЕАНИ

13-бет

“ГИРДОБ”
КРОССВОРДИ

16-бет

«ИСЛОМ КАРИМОВ. АСАРЛАР ТЎПЛАМИ» МУЛЬТИМЕДИЯ ДИСКИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республика-
си Президенти матбуот
хизмати Узбекистон Респу-
бликаси Ташиқ иқтисодий
алоқалар агентлиги
кўмагида Узбекистон Респу-
бликаси Президенти Ислом
Каримовнинг XI томли
асарлар тўпламининг мульти-
медиада яратилди.

XXI аср Узбекистон
аҳолиси учун қандай кечади,
унинг турмуши қай да-
ражада яхшиланади ва фа-
ровонлашади? Мустақил-
ликни мустаҳкамлаш ўйли-
да бизни қандай ҳумам-
лар, қийинчиликлар ва си-
новлар кутаётгани ҳақида
етарлича ва аниқ тасаввур-
га эгамизми?

Ўзбекистон инсонлар учун муносиб тур-
муш тарзини таъминлашга
қаратилган демократик ва бозор испо-
хотларининг изчил амалга оширилиши,
жамиятнинг янгиланиш йўлида давом
етиши, халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ривож топиши
ва ҳаҷон ҳамжамиятида республикамиз обрўсина-
нинг мустаҳкамланиши даври бўлди. Энг асосий-
си, мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва ҳам-
жихатлик қарор топди. Шу билан бирга, ҳалқимизнинг
бугунги кунга ва келажакка мунтақадиши
минтақадиши, мактабларни таъминлашга учун қандай
кафолатлар ривожланади.

Бу асрда ҳамжамиятига
кенг интеграциялашув сиёсатини изчил олиб бормоқда
ҳамда иқтисодиёт, илм-
фан, таълим ва ахборот ал-
машинуви соҳаларида жа-
хон ҳалқлари билан самара-
ли ҳамкорлик қилмоқда. Жаҳонда Узбекистоннинг
сиёсий барқарор, муттасил
ривожланётган давлат си-
фатидаги мавқеи ортиб
бормоқда.

Ўзбекистон Республика-
си Президенти Ислом Ка-
римовнинг XI томли асарлар
тўпламида мустақил давлатнинг
таракқиётнига мавжуд?

Бу асрда яхшиланади
учун қандай салоҳият
иқтисодиётнига мавжуд?

Ислом Каримов асарлар-
и тўплами мульти-
медиада яратилиши



си бўлмиш мультимедия
технологияси кенг кўлла-
нимоқда.

Давлатимиз раҳбарин-
гинг XI томли асарлар тўплами мульти-
медиада яратилиши Узбекистон
Президенти асарларидан
унинг янги, юқори техно-
логик электрон тури орқа-
ли баҳраманд бўлиш имко-
нини беради.

Ўзбекистон Республика-
си Президенти асарлари тўплами мульти-
медиада яратилиши варианти 8,5 минг саҳифадан
ортиқ ҳажмдаги ахборот матни, мингда яқин сурат,
жумладан, 10 соатли аудио ва видеоматериал-
лардан иборат бўлиб, 2 та СД-дискдан ташкил топган.

«Ислом Каримов. Асарлар тўплами» СД-дискини яратища Узбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг интернет-сайтидаги ахборотлардан, Матбуот хизмати-
нинг архив суратлари, аудио ва видеоматериал-
ларидан кенг фойдаланилган. Мазкур СД-дискда
миллий мумтоз куйларимиздан, шунингдек, жаҳон
классик композиторлари асарларидан фойдаланилган.

Айтиш жоизки, Ўзбеки-

(ЎзА)

**SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARI**

OAV XODIMLARI UCHUN BRIFING

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuratorasida mamlakatimiz va xorijiy ommaviy axborot vositalari vakillari uchun bo'lib o'tgan brifingda Bosh prokuror R. Qodirov jurnalistlarni shu yilning 30-iyulida Toshkent shahrida sodir etilgan terrorchilik harakatlari yuzasidan quzg'atilgan jinoiy ish bo'yicha olib borilayotgan dastlabki qidiruv ishlari, ro'y bergan ushbu hodisa tafsilotlari, qurbanlar hamda ushbu xunrezlikni amalga os-hirgan jinoyatchilarining mansubligiga doir ma'lumotlar bilan batafsil tanishtirdi.

XALQARO ANJUMAN

O'zbekiston Fanlar akademiyasida Wenner-Gren xalqaro ilmiy jamg'armasi, Rossiya Fanlar akademiyasi Arxeologiya va etnografiya instituti Sibir bo'limi hamkorligida tashkil etilgan xalqaro anjumanda mazkur sohada erishilayotgan yutuqlar, so'nggi yangilik va tajribalarini ommalash-tirish, qadimiy topilmalarning tarixiy ahamiyati yuzasidan AQSH, Avstriya, Fransiya, Germaniya, Chexiya, Belgiya, Ispaniya, Shvetsiya, Yaponiya, Lyuksemburg va MDH mamlakatlari olimlari o'zaro fikr almashishdi. Anjumanda O'zbekistonning qadimgi tarixi, Markaziy Osiyoda paleolit davri antropologiyasi, Yev-roosiyoda qadimgi odam migratsiyasi mavzularida ma'ruzalar tinglandi.

BOLALARGA YANGI SPORT MAJMUI VA KIYIMLARI

Olot tumanidagi "Sultonbek" fermer xo'jaligi rahbari Bahodir Xudoiber-genov tashabbusi bilan Sher qishlog'i yaqinida qurilishi boshlangan sport majmuida futbol, basketbol, va voleybol maydon-chalari, tennis korti, katta sport zali barpo etiladi. Ushbu maqsadlar uchun 10 million so'm sarflashni mo'ljallagan fermer qishloq bollaridan tuzilgan futbol va basketbol jamo-alarini yangi sport kiyimlari bilan ta'minlashga ham ahd qilgan.

«2004-2009 yillarda Maktab ta'limmini rivojlanтириш Davlat umumiy milliy daстuri тўғрисида»ги Ўзбекистон Respublikasi Президентининг Farmonida maktab ta'lim tizimini tubdan yaxshilaш, энг юкори замонавий talablariga жавоб beradigan ўкув modдий baza shakllantiriliши, яшаш жойидан qatъiy nazар, қishloқ va шахар maktablarinin modдий basasi belgilab olinindi. 2005 yilda Янгиарик tumaniда 420 ўринли, Gurlanda 500 ўкувчи ta'limim

ИЗЛАНИБ, ИМКОН ТОПИБ

raf этилиши ҳақида муҳим vazifalar belgilab beriladi. Bu borada Xorazm viloyatiда ҳам kўlamdor iшлар қилиниши rejalashтирилди. Viloят bўйичa жами 229 ta maktab kapital taymirlashga, 121 ta maktab kapital rekonstruksiya қилишga muхtoj bўlganligi учун bugun voxada qizgin mehnat avж olgan.

Avaria xolatida bўlgan 28 ta maktab ўrnida янгидan замonaviy tipda ўкуv binolari kуriladi.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» muхbiri

oladigan ўкуv dargoхlari қад kўtaradi. 2006 yilda esa Urganch tumaniда va Xivada, sўnggi yili Хонка tumaniда ҳам 624 naфar ўкуvchini baғriga oladigan umumta'lim maktablari қурилиб fойdalaniшga topshiriladi. To 2009 yilgacha 4287 naфar ўkuvchi ta'xsim oladigan янги, энг sўnggi замonaviy ўкуv teknikalari bilan ta'yminnlangan maktablar boskicma-boskic қад rostlайдi.

ФОЛИБЛАР КЎПАЯВЕРСИН

Гўзаллик яратиш iшқида ёниб яшаётgan ҳар bir yortdoшимиз bor-ki, ўз соҳасида biror bir yotukka erishiшга intiladi. Demak u ijod bilan mashgul. Kўliga қalam olib, ijod namunalarini taxriyiatga йўllaётgan aziz mustashiyarlarga chin dildan raҳmatlar aйтиб, yortimizda rўy beraётgan янгиликлар, ўзгаришларiga ҳақиқий ijodkor kўзи bilan nazар solib bitilgan asarlarни kutiб қолamiz.

Шу ўринда «Ma'rifat» tanlovi ҳали ҳам давом этаётganligini maъlum қиласиз va nавbatdagi iюль oйni foliblari bilan taniштириб ўтамиз:

Энг яхши maқola nominationasi bўйичa kўrsatilgan nomzodlar orasidan shu kunnинг dolzab mawzusi xisoblanigan «Ўқитувчи қанча maош oлади?» сарlavҳali maқola (muallif B.Жовлиев, 21 iюль)

Болаларning seviri Mirazz Aъзам tumoniдан tayёрланган «Силва Капутикян — Аарат кўччиси» (31 iюль) сарlavҳali sahiifa энг яхши sahiifa nominationasi siga eга бўлди.

Энг яхши intervju — «Ижара tizimi va darслик ta'yminoti» (Sh.Nishonov, 17 iюль) сарlavҳali suхbatga nasib etdi.

Энг яхши янгилик — Xusan Nishonovning «Rустам Қосимжонов — Жаҳон чемпиони!!!» xabari учун beraилid.

Халқaro olimpiyadada яхши natijalarini kўlga kiritib қайtgan ёш matematiklarning suratlari tushiрилган fotolavxa (Muallif B.Rizokulov) «Энг яхши sурат, fotolavxa» nominationida birinchiликni kўlga kiritdi.

Talaba-jurnalistning энг яхши публицистик асари nominationasi bўйичa foliblikka ЎзДЖТУ halқaro журналистика fakulteti talabasi Saidjon Maxsumovning halқaro va sport mайдонparidan tayёрланган turkum xabarlari munosib deb topildi.

Foliblarni samimiy tabriklab, barчагa ijodiy barkamollik tilab қolamiz!

“Ma'rifat” tanlovi



БАХТЛИ БОЛАЛИК

R. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА)
олган суратлар

Afsus

ЁЛГОН

Ўрта маълумот тўғрисидаги баъзи ҳужжатларнинг

дан. Zero, mazкур shaҳodatnomani kўлган olgan ўkuvchi kamolot pillapoysiga dadil odim kўяётgan kelajak vorisi xisoblanadi. U endi ўz kela-jagini mustaqil bunёd etishi қodir. Ammo minni afususki, aйrim maktab raҳbarlari tomoni dan hatto aйни dargoх osto-nasini bir bor bўlsa-da ҳat-lamaёk, ёхуд ҳали зарур bилиmlarini эгаллашga ulgurmasdanoq etuklik shaҳodatnomasini «kўlga kiritaётgan»lar йўқ emas. Bir ўylab kўring: ҳали zarur biliм, kўnikma va mala-kaga eга bўlmay turiб nokonuyiй йўл bilan shaҳodatnomaga эга bўlgan ўkuvchining ertanги taқdiri қандай kechadi? Tўғri, u yana noқonuiй ishga kўl urib kimmerring xayrixoхligidan kaysidir olyi ўkuv yurti ёки kasb-xunaр колleji talabasi bўlišiga erishiши ҳam mukmin. Biroq etarli biliмga эга bўlmaslik unga pанд bermайдimi. Deylik, chapdastrоk bitiruvchi bunga ҳam йўл topdi. Lekin, bu chapdastrli unga қaчon-gacha kўl kelarkan?

Maъlumki, maktab — kelajak ostonasi. Ushbu dargoх sabofi farzand ikboliga pойdevor, kelajagiga йўл kўrsatuvchi йўлchi yolduz bўладi. Aslida, umumta'lim maktabini bitirigan ўkuvchiga etuklik shaҳodano-masining beriliishi ҳam shun-

chi ikboliga-da ta'xir ўtkazishi tайнин. Aйни ana shunday, salbiy ҳолатlарга chek kуйish maқсадida яқинda respublika Halқ ta'limimi vазirligligi tomoni dan D. Abduraхimov nomiga, Jizzax viloyati Zomin tumani dagi 55-maktab, Fallaorol tumani dagi 79-maktab direktori Tomoni dan aйrimlariga faiриkonuniy ravishda shaҳodatnomalar расмийлаштирилган. Сирдарё viloyati Sайхунобод tuman halқ ta'limimi vазirligining 2000 yild 15 сентябрдаги «Ta'lim bўйичa расмий давлат ҳужjatlarini tayёрлаш, xisobga olish, saқлаш, topshiriш ҳамda улардан fойdalaniш tartibidi ni takomillashтириш тўғrisida»gi 180-sonli bўyurugining bажарилиши va Davlat test markazi tomoni dan ekspertri-zaga tавсия этилган ўrta maъlumot tўғrisidagi shaҳodatnomalar tekshiрилиб чиқildi.

Tekshiриш жараёнida ўrta maъlumot tўғrisidagi баъзи ҳужjatlarining rasmийlaштиришиda йўл kўyilgan kamchiliklar, aйrim ҳollardar noқonuiй ishlar amalga oширилган.

ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

1-богча-мактаб Бешариқ туманинг иқтидорли болалар таълим-тарбия мажмуаси хисобланади. Чунки бу ерда болалар илк ёшдан боғчага қабул қилиниб, сўнгра чукурлаштирилган дастур асосида мактабга тайёрланиб, бошланғич синфа қабул қилинадилар. Унга туман ҳокимининг қарорига биноан 1994 йилда умумий ўрта таълим муассасаси мақоми берилди. Хозирги кунда бу ерда 12 та синф ҳамда 7 та боғча гурӯҳи ишлаб турибди. Бу ерда жами 570 нафар бола таълим олмоқда. Уларга 44 нафар малакали, моҳир педагоглар билим берип келмоқда. Бу ерда муайян янгиликлар ва тажриба синов ишлари мунтазам амал-

га оширилади. Богчада болаларга тўрт ёшдан рус ва инглиз тилидан сабоқ берилади. Улар боғча ёшиданоқ инглиз тили, тарих, рус тили, компьютер тўғаракларига жалб қилинади. Бундан ташқари рассомлик, ўйинчоқлар ясаш, рақс, ашула тўғараклари ҳам болаларнинг севимли машгулотларидан бири.

Тарбияланувчиларни мактабга тайёрлашда С.Қўчкоров, З.Олимованинг хизмати бекиёсdir. Улар болаларга нафакат билим беришади, балки ўз меҳрини, қалбини баҳшида этиб, етук, мустақил фикрлайдиган фарзандларни тарбиялашади. Боғча-гимназияда болаларга яратилган шароитлар болаларни бемалол билим олиш-

лари учун етарли. Махсус хоналар, сузиш ҳавзаси, гимнастик машгулот, волейбол, баскетбол, футбол, узунликка, баландликка сакрash, югуриш майдонлари, кутубхоналар мавжуд.

1-богча-гимназия иш тажрибаси диагностик таҳлил қилиш, ўқувчилар ва болаларни рейтинг асосида баҳолаш, чет тилларни боғча ёшидан ўргатиш, дарсда техник воситалардан фойдаланиш каби мавзууларда туман, вилоят, республика семинар кенгашлари ўтказилган.

Боғча-гимназия раҳбари Азиза Маҳсумова ана шу мавзулар асосида ўзининг иш тажрибасидан қўлланмалар, дастурлар яратган.

Жумагул ХОЛМИРЗАЕВА.
Бешариқ тумани

Республика Куролли Кучларининг Марказий Офицерлар саройида "Тарихимизга бир назар" мавзууда Аҳмад ал-Фарғоний ва Зардўшта бағишлиланган адабий-бадиий кечада ўтказилган. Кечада Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг ходими Абдуҳамид Пардаев

аскарлар учун жуда қизиқарли бўлганлиги уларнинг диккат-эътиборидан сезилиб турди.

Шунингдек, "Ниҳол" мукофотининг совриндорлари, ёш хушвот хонанда Исройл Сайдумаров, хонанда Дадаҳон Фаниев ўзининг дилрабо қўшиқлари билан даврага файз киритди. Пойтахтимизнинг Ҳамза туманиндағи 64-мактабнинг

ТАРИХГА БИР НАЗАР

"Аҳмад ал-Фарғоний — буюк мунажжим", "Жаҳон адабиёти" журнали бўлум мудири Амир Файзулла "Зардўшт — қадимий юртдошимиз" мавзуларида маъруза қилдилар. Ушбу маърузалар Республика измат қўролли кучларида хизмат қилаётган зобит ва

4-синф ўқувчиси Улугбек Абдулатипов ижросидаги она-Ватанимизни улуғловчи тароналар ҳам йигилганларда катта таассурот қолдириди.

Нигора ТУРСУНОВА

УЛАР ҲИНДИСТОНДА ЎҚИШАДИ

Тошкентда иш олиб бораётган Ҳиндистон маданий маркази ҳар йили биздаги олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳам танлов ўтказиб, ғолиб чиққанларни ўз мамлакатидаги нуфузли университетларга юборишади. Бу йил Ҳиндистонда ўқиш имкониятига 36 киши эга бўлди. Шулардан 11 нафари магистратурада ўқишиади, қолганлари бакалаврликни ўша мамлакатда давом этиришади. Характерли жойи шундаки, дъавогарлар сони анча кўп бўлиб, деярли уларнинг 50 фоизи Ҳиндистон ҳақида бой тушунчаларга эга бўлиб чиқди. Ҳинд

Hatkorlik

тилини ва бу юрт тарихини, бугунини анча муқаммал билган, маданий марказ билан доимий алоқада бўлиб турган ёшлар танловда, шубҳасиз ғолиб чиқишиди.

Дарвоҷе, Ҳиндистоннинг маданий алоқалар бўйича кенгashi ҳар ўқув йили учун 100 дан ортиқ мамлакатдан ўз университетлари учун иқтидорли талабалар танлайди. Жами ёшлар сони 1100 нафарни ташкил қиласди. Демак, ана шу номзодлардан 36 нафари 2004-2005 ўқув йилида мамлакатимиз ёшлари эканлиги кишини қувонтиради. Улар орасида Жаҳон иқтисоди ва дипломатияси, Ўзбекистон миллий, Ислом, Жаҳон тиллари университетлари, шунингдек, Нукус давлат университети, Самарқанд давлат чет тиллари институти талабалари бор.

МУХБИРИМИЗ

Сурхондарё вилоятидан Осиё тараққиёт банки грантига сазовор деб топилган 10 та мактаб орасида Шўрчи туманиндағи Усмон Дониёров номидаги жамоа ҳўжалиги худудида жойлашган 33-умумий ўрта таълим мактаби ҳам бор.

Мактаб 1985 йилда қуриб фойдаланишга топширилган икки қаватли замонавий бинода жойлашган. 420 ўқувчи ўрнига эга. 2003-2004 ўқув йилида мактабда 70 нафар муаллим 780 нафар ёшларга таълим-тарбия берди.

— Мактабимизда 25 та синф бўлиб, синфхоналар сони эса 20 тани ташкил этади, — дейди мактаб директори Файзулла Ҳамидов. — Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, 5 та синфимиз куннинг иккинчи ярмида таълим-тарбия олишга мажбур. Бунисига-ку, майли-я. Бироқ, ростини айтар бўлсан, ҳар йилги таъмирлаш ишларимиз номигагина амалга

Мактабнинг хона ва заларини, теварак-атрофни кузатарканмиз, ҳалқимизнинг эзгу ишга қанчалар хайриҳо эканлигини кўриб, янада хурсанд бўлдик. Хоналарда, залларда, мактаб ҳовлисида таътилга чиққан муаллимлар, ўқувчилар, ҳатто маҳалла аҳли қурувчиларга кўмаклашояпти.

Биз 33-мактабда бўлган кунимиз яна бир эзгу ишга рўбарў келдик. Усмон Дониёров номидаги жамоа ҳўжалиги мактаб атрофини чиройли деворлар билан ўраб беришни зиммасига олибди. Жамоа ҳўжалиги раҳбарияти бу ишни нимоясига етказиш учун ярим миллион сўм маблағ ажратиби.

— Мактаб қайта қурилгач, таълим-тарбия ишини ҳам шунга муносиб ташкил этишга тўғри келади, — дедик мактаб директорига.

Савол тариқасида айтган бу гапимиз-

ЭЙТИБОР КУЧ-ҚУВВАТ ДАЖИ ЭТАДИ

оширилиб келган, десам хато бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, хоналаримиз, залларимизнинг ҳолати мақтайдиган даражада эмас. Жамоамиз мавжуд муаммоларимиз ечимини туман ХТБ раҳбарияти ва туман ҳокимлиги билан биргалиқда топишга сидқидилдан ҳаракат қилди. Шунинг натижаси ўлароқ, мана Осиё тараққиёт банкининг 30 миллион сўмлик гранти соҳиби бўлдик...

Биз ўзимиз шоҳиди бўлганимиздек, айни кунларда таълим масканида жуда катта миқёсда таъмирлаш ва қайта куриш ишлари тутатилиш арафасида. Бу ишларни шартнома асосида туман ХТБнинг маркетинг бўлими ходимлари бажаришояпти. Барча хона ва заллар тўлиқ ганчли сувоқдан чиқарилди. Иси-тиш тизилмалари қайта таъмирланниб, табии газга уланди. Эшик, дераза ва ромлар тўлиқ қайта таъмирланди. Спорт залининг ички ва устки қисмлари таъмирланаяпти. Илм масканига оз эмас, кўп эмас 5 миллион сўмлик дарвоза курилаётди.

Шу кунларда Осиё тараққиёт банки раҳбарияти хоналаримизни янгидан жиҳозлаш учун 20 миллион сўмлик стол ва стуллар ҳамда яна 10 миллион сўмлик замонавий компьютер етказиб беришга ваъда берган.

га мактаб директоридан бурунроқ ҳамроҳимиз, Шўрчи туман ХТБ мудирининг ўринбосари Парда Шоймардонов жавоб қайtarди:

— Бу мактаб туманинг энг илғор мактабларидан бири хисобланади. Мактабда таълим-тарбия иши яхши йўлга кўйилган. Мактаб ўқувчилари ҳар йили фан олимпиадаларида, қатор кўрик-танловларда ўзларини кўрсатиб келишояпти. 2003-2004 ўқув йилида ҳам 33-мактаб ўқувчилари баскетбол мусобақасида туманда биринчи, вилоятда учинчи ўринни, яна "Шунингдек" беллашувидан туманда биринчи, вилоятда эса иккинчи ўринни эгаллашди.

— Дарҳақиқат, Осиё тараққиёт банкининг грантини кўлга киритишимиз ҳамда жамоа ҳўжалиги раҳбарияти эътибори бутун жамоамиз аъзоларини рухлантириб юборди, десам ишонаверинг. — дейди мактаб директори Файзулла Ҳамидов. — Янги ўқув йилидан эътиборан таълим-тарбия борасидаги барча ишларимизни янада яхшилаймиз.

Абдували ОБИДДИНОВ,
"Ma'rifat"нинг мухбири

МАКТАБЛАРГА МИЛЛИЙ ГЛОБУС

Таълим тизимида жиддий эътибор қаратилаётган буғунги кунда ўқувчи-ўшларнинг мукаммал билимга эга бўлишлари учун барча зарур шартшароитлар яратилаётгани сир эмас. Энг муҳими, малакали мутахассис-педагоглар, замонавий технологиялар билан таъминланган кўркам бинолар, шу билан бирга зарур ўқув кўргазмали қуролларнинг мавжудлиги таълим сифатини янада оширишда асосий омилдир. Ана шу мақсадда тадбиркорлик билан фаолият юритаётган ҳамюртларимизнинг ҳам бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшаётгани бирмунча қулайлик туддирмоқда.

"Давр технологиялари" фирмаси бу борада катта савобли ишга қўл урди. Бундан минг йиллар илгари бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний кашф қилган ер шари ҳақидаги тасаввур — "Глобус" ўз миллий ёзувимизда пайдо бўлди. Унинг мамлакатимизда ишлаб чиқариллаётгани ҳар томонлама қулай эканлигини айтиш жоиз. Чунки, бугунгача Россия, Хитой, Украина каби давлатларда ишлаб чиқариллаётган глобусларнинг бизгача етиб келиши анча қимматга тушиши бежиз эмас. Шунинг учун ҳам буғун мамлакатимиз мактабларининг деярли аксариятида мазкур ўқув қуролининг йўқдиги таълим жараёнга мъълум маънода салбий таъсир кўрсатаётган эди. Ниҳоят, ийтгirma беш йилдан буён давом этиб келаётган бу муаммо ўз ечимини топди, дейиш мумкин.

Ишлаб чиқариллаётган ушбу глобуслар барча талабларга жавоб берадиган, илмий томондан тегишили ташкилотлар назоратидан ўтказилган. Сўнгги йиллар давомида сиёsat оламида рўй берган барча ўзгаришлар глобусни тузишида ҳисобга олинганини таъкидлаш керак. Энди ўқувчиларимиз бу глобуслардан мунтазам равишда фойдаланиб, тарих, география, астрономия каби фанларга оид билимларни мукаммал эгаллайдилар. Ҳар бир таълим муассасасида сифати ва қулайлиги кафолатланган, бежирим, ўз миллий маҳсулотимиз бўлган Ўзбекистон глобуслари фан кабинетларининг бир бурчагини безаб туради.

Фоур ЖАБИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Бугунги ҳаётимизни компьютерларсиз тасаввур этиб бўлмайди. У аллақачон инсон фаолиятининг ажралмас қисмига айланган. Шунингдек, улар кундалик турмуш тарзимизга ҳам жадал суръатда кириб бормокда. Бу табиий, албатта. Чунки, техника мислсиз ривожланаётган асрда яшаемиз. Хоҳлаймизмийўқми, унга мослашмогимиз, мавжуд тәхника воситаларини бошқармогимизни даврнинг ўзи тақозо этиб турибди. Оддий хисоблашдан тортиб, мураккаб дастурларни яратиш, катта босимдаги ахборот алмашуви жараёнида, албатта, компьютерларга эҳтиёж сезамиз. Ундан фойдаланишини билмаслик эса маълум маънода замон билан, тараққиёт билан ҳамнафас яшашига тўсқинлик қиласди. Шу боис, бугунги кун кишиси, албатта, компьютер билимларини ўзлаштириши айни муддаодир. Компьютер техникалари тўғрисидаги билимлар таълим тизимидан ҳам кенг ўрин олган. Бундан ўн йиллар илгари компьютер воситалари ҳакидаги билимлар ўрта мактабларнинг юкори синфларида, олий ўқув юртларида ўргатилган бўлса, хозирда у мактабгача таълим мусассалари дастурларига ҳам киритилган. Уни кичик ёшдаги болаларга худди тил ўргатиш, хисоблаш, алифбо каби машгулотлар қаторида ўргатилиади. Эндиликда компьютерларни ўргатишга бўлган эҳтиёж фақат таълим мусассаларида эмас, одамларнинг кундалик турмушида ҳам заруратга айланди. Бундан беш-олти йил аввал ҳар юзта оиланинг тўрттасида компьютер бўлган бўлса, хозирда қирқтасида бор. Айниқса, шаҳарларда у худди телевизор ёки музлатиги сингари рўзгор буюмига айланмоқда. Энди унга факат муйян ақлий фаолиятни бажарувчи машина сифатида эмас, балки дам оловчи, кўнгилочар восита сифатида ҳам қараляпти. Айниқса, ота-оналарнинг фарзандлари моддий таъминотига компьютер олиб бериш мажбурияти ҳам зарурний эҳтиёж сифатида урф бўляпти. Шу маънода болаларнинг энг севимли буюмлари, айтакли, велосипед, ролик, спорт ажномалари қаторида компьютер ҳам аллақачон жой олган. Болаларнинг ўзаро мулоқотларида компьютер билан боғлиқ мавзуларнинг кўплиги ҳам бугун ҳеч кимни ажаблантирамайди. Илгари нари борса аудио кассеталар кўтариб юрувчи болалар эндиликда турли хил дастурлар, ўйинлар ёэзилган Сдларни ўзаро алмашадилар. Катта ёшдаги болаларни-ку, тушунса бўлади. Лекин кичик ёшдаги болаларнинг ҳам компьютерларга ишқибозлигининг кучлилиги баъзан кишини хайратда қолдиради. Баъзи мактабга бормайдиган болалар ҳам компьютерни эркин бошқара олишлари мумкин. Хали ҳарф та-



БОЛАНГИЗНИНГ КОМПЬЮТЕРИ БОРМИ?

нимай туриб, компьютерга қандай буйруқ билан кириш мумкинлигидан тортиб, қайси файлда қандай маълумот борлиги, клавишилардан қандай фойдаланиш мумкинлигини яхши биладиган болалар ҳам кўп. Боласининг бу ютуғидан отаси хурсанд. Давраларда кўкрак кериб, ўғлининг компьютер билимдони эканлигидан мақтанади. Фарзанднинг уззу кун компьютер ёнида ўтиришига хотиржам қарайди. Ҳатто боласининг тури бемаъни ишлар билан машгул бўлганидан кўра, компьютер билан шуғуланишини афзал билиб, унинг истакларини имкон қадар амалга оширишга, яни компьютер олиб беришга ҳаракат қиласди. Орзусига етган бола эса бутун вақтини компьютер олдида ўтказади. Компьютери йўқ, болалар эса «Интернет клуб»ларга ошиқишида. Шу маънода компьютер болалар учун ўйинчоқ, дарслик, китоб, телевизор, магнитафон қаторида ахборот оловчи восита вазифасини ўтайди. Ота-оналар боласининг тўп тегиб, кўча чангитганидан кўра, соатлаб компьютер қаршисида ўтиришини фойдалироқ деб билишади. Бу «акл машиналари»нинг болалар руҳий, ақлий, маънавий ва ҳатто жисмоний оламини маҳб этиши

мумкинлигини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Бир яхшининг бир ёмон томони ҳам бор, деғанларидек, ҳамманинг эътирофини қозонган бу «акл машиналари»нинг фойдали томонлари билан бирга зарарли жиҳатлари ҳам йўқ эмаслигини унутмаслик лозим, назаримизда. Биз бутун эътиборни компьютер болаларнинг ақлий қобилиятини ривожлантиришига ёрдам беришига қаратамиз-у, бирок, унинг фарзандларимизни руҳий, маънавий, жисмоний зўриқтириб қўйишига аҳамият бермаймиз. Ваҳоланки, компьютер билан боғлиқ ноҳуш ҳодисалар ҳақида ўқиганмиз, биламиз.

Шу маънода ўтган йили Россия газеталарининг бирида компьютерда жумбоқли ўйин ўйнаётган бола ўйиннинг охирига етишга чора тополмасдан ўзини юкори қаватдан ташлаб юборганилиги ҳақида ўзган эди. Умуман, компьютерлар билан боғлиқ мудхиш воқеалар дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам содир бўлиши ҳақидаги маълумотлар ҳам кўччиликка сир эмас. Чиндан ҳам компьютерлар таъсирига тушиб қолган болаларда турли хил руҳий ўзгаришлар содир бўлади. Аксарият ўйин ўйнайдиган болалар воқеа нима билан

тугасига қизиқишиди. Унинг охирига етиши эса бир неча соатларни олиши мумкин. Натижада болаларда руҳий ва жисмоний зўриқиши содир бўлади. Муттасил компьютер қаршисида ўтирадиган бола тажанг, инжиқ бўлиб қолади. Сал нарсага асадибийлашади. Бутун дикқат-эътибори компьютерда бўлиб қолади.

Мутахассисларнинг фикрича, компьютердан чиқадиган электромагнит нурлар болаларнинг, шунингдек, катталарнинг организмида турли касалликларни келтириб чиқарар экан. Бош оғриши, бўғим ва мушакларнинг оғирлашиши, марказий асаб тизимининг меъёрдан чиқиши, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши, терига турли тошмаларнинг тошиши каби касалликлар ана шулар жумласидандир. Шу боис ҳам, компьютер қаршисида ўтиранг одамнинг ҳар соатда ўн минутдан уни ўчириб, дам олиши тавсия қилинади. Лекин бунга ким эътибор беради? Айниқса, бу компьютер қаршисида ўтирангнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Болаларни-ку, бу «акл машиналари»дан ажратиб бўлмайди. Бу нафакат мактаб ёшидаги болаларда, балки боғча ўшдагиларда ҳам кенг тус олмоқда.

— Ўғлим беш ёшга кирди. Уйда компьютер бор. Турмуш ўртогим ишдан кейин ҳам уйда унда шуғулланади, — дейди Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 18-даҳа, 39-йда яшовчи М.Бобоқулов. — Икки йил аввал ўғлимга дадаси бир-иккита ўйин ўргатиб қўйган эди. Шу-шу у компьютер ёнидан кетмай кўя қолди. Уйда бўлса, эрталабдан кечгача ўйнайди. Ҳатто ўзига қолса, овқатини ҳам компьютер олдида еса. Кўчага мажбурлаб ҳам чиқара олмайман. Баъзан кучли тазик билан ҳовлига чиқарсан, ҳеч қанча вақт ўтмасдан қайтиб киради. Компьютерни кўп ўйнаганиданни, болалам нимжон. Тез-тез касал бўлиб туради. Шу боис, ўйнашга руҳсат бермасликка ҳаракат қиласман. Бирок, руҳсат бермасам, тинмай йиглайди. Уни бошқа ўйинчоқлар билан чалғитишга ҳаракат қилиб кўрдим, бўлмади. Ягона чорам, компьютерни сотиб юборища қолди, шекилли...

Ёш бола билан шунчалик мурakkab ҳолат келиб чиқар экан, каттароқ ўшдагиларни-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Мактаб ўқувчилилари минг хил баҳона билан компьютер қаршисида ўтиришади. Уйда компьютерни йўқлар эса аксарият вақтларини «Сони клуб», «Интернет клуб»ларда ўтказишиди. Ҳатто дарсларга кирмай компьютер олдида ўтирадиганлар ҳам бор. Бу ҳолат қишлоқларга нисбатан шаҳарда жуда кучли. Шунга қарамай, у бутун болалар оламини забт этяпти. Нима қилмоқ керак? Аҳвол шу зайлда давом этса, охир-оқибатда нима бўлади? Болаларда бўладиган турли хил ўзгаришларга ким жавоб беради? «Ақл машиналари»ми ёки унга ружу кўйишига изн берадиган ота-оналарми? Бу каби саволларга жавоб бериш мазкур масала юзасидан ўйлаб кўришни, муҳокама қилиши, мунособат билдиришни тақозо этади. Ҳозир, назаримизда, арзимас бўлган мазкур муаммо эртага турли хил бошқа муаммолар, чигалликларни келтириб чиқармаслиги лозим. Шу маънода биз бугун ихлос қиладиган, ақлий фаолиятимизни уларсиз тасаввур қилмайдиган «акл машиналари» ҳам аслида инсон тафаккурининг маҳсулни. Демак, унинг тизигини ўз кўлнимизда. Фақат уни қай тарзда, қай меъёрда ушлаб турни ўзимизга боғлиқ. Ҳар нарсада меъёр бўлгани яхши. Компьютерлар тарбияси ҳам бундан мустансо эмас. Бу ҳақда сизнинг фикрингизни билмоқчимиз, азиз муштари. Сиз ҳам болангизга компьютер олиб берганимисиз?

Назира КУРБОН қизи,
«Ma'rifat» муҳбири

МУРУВВАТГА ЙЎГИЛГАН ТАЪЛИМ

Соғлиқни сақдаш вазирлигининг маълумотига кўра, республика миқёсида 8600 нафар мактабгача ёшдаги болалар фалажланган бўлиб, улар ногиронлик рўйхатига олинган. Жисмоний ёки руҳий жиҳатдан ривожланишида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларнинг 50 физигина маҳсус мактабгача, таълим муассасаларига жалб қилинган. Қолган қисми, кўпчилиги коррекцион-педагогик ва реабилитация ёрдамлари ташкил этилмаган таълим муассасаларида ёки оиласда таълим оладилар.

Республикамиздаги алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмиларга таълимтарбия берища, жойларда маънум амалий ишларнинг олиб борилаётганлиги

мактабгача таълим муассасалари иш фаолиятида ўзининг изчил самарасини кўрсатаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шундай ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон болаларга ўз меҳр-муруvvвати билан камарбаста бўлаётган, ҳаётда ўз касбига меҳр ва ихлос қўйиб таълим-тарбияни ҳар қандай шахсий манфаатлардан устун қўядиган мураббийлардан бири Тошкент вилояти Ўртачирчик туманида истиқомат қиливчи Муҳаббат Бурхонотади.

Жорий йилда М.Бурхонова Ўртачирчик тумани халқ таълимни бўлимида 26-сони мактабгача таълим муассасаси қошида ногирон ва

фалаж бўлган болаларга ёрдам бериш Марказини ташкил этди.

Марказнинг ташкил этилишида, ногирон ўсмиларга ёрдам беришида «УМР» жамоатчилик марказининг ҳиссаси бекиёсdir.

Марказ бир ёшдан 18 ўшгача бўлган ногирон, фалаж болалар билан иш олиб боради. Бугунги кунда туманда мавжуд бўлган бир ёшдан 18 ўшгача бўлган ногирон, касал болалар ҳақида маълумотлар умумлаштирилиб, уларнинг банки яратилган.

Ўзгалар ёрдамига зарурат сезганларга имкон қадар моддий ва маънавий ёрдам, тасалли бериш ажоддларимизнинг асрий одати бўлиб келган.

Муҳаббат опанинг ҳам ногирон болаларни тарбиялаш ва ўқитищдек масъулиятли фаолияти дикқатта сазовордир.

Ногирон болалар соғлигини тиклаш, жисмоний чиниқтириш ва реабилитация қилиш, ижтимоий ҳаётта тайёрлашда болаларнинг спорт билан шуғуланишлари катта аҳамият касб этиади. Марказда спорт комплекслари, реабилитацияга оид мажмуулар, иншоотлар куриш ва тармоқларни кенгайтириш ишлари замонавий талаблар асосида амалга оширилмоқда.

Исомиддин МУСАЕВ,
Республика ташхис Маркази
“Таҳририят ва нашириёт”
бўлими бошлиғи

Maxsus ta'lim

XX аср аввалида Туркистонда бошланган янги ижтимоий-маданий ва маърифий-ижодий ҳаракатга шиддат билан күшилган самарқандлик жарчилар Махмудхўжа Беҳбудий изидан бориб, маърифат, матбуот, нашриёт, театр, ишларидағи ислоҳотларнинг байроқдорлари сифатида танилдилар. Ватан, миллат, хуррият тушунчаларин кенг тарғиб этишида олдинги сафларда борган Абдуқодир Шакурий, Саидахмад Сиддиқий-Ажзий ва Исламтула Раҳматуллаев халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган бугунги мустақиллик даврида янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

XIX асрнинг охирларида маърифатга интилиш, саводхонлик сариташиланган қадамлар заруратга айланди. Туркистоннинг маърифатли зиёлилари бу жабҳада салоҳият кўрсата бошладилар. Исломилек Гаспирали ва унинг издошлири бошлаган ислоҳотларга чорловчи фоялар миллий маърифатчиликнинг толмас курашчиларини вояга етказди. Гаспирали Бухоро, Самарқанд, Шахрисабза ва бошқа жойларда бўлиб, илгор зиёлилар билан учрашиб, кўплаб муммаларни кўтарди. Самарқандда очилган мактабда усули савтиядан дарс берди, Махмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шакурийлар билан сұхбатда бўлди. Бу каби жараёнлар ўз мевасини бера бошлади. Абдуқодир Шакурий, Саидахмад Сиддиқий-Ажзий ва Исламтула Раҳматуллаев сиймосида забардаст маърифатчи жадидларнинг жасоратли чиқишиларида бу кўтарилиш муҳим ўрин эгаллади.

Абдуқодир Шакурий 1875 йили Самарқанд шаҳри яқинидаги Ражабамин қишлоғида бөғбон оиласида таваллуд топган. У мадрасаса сабогидан баҳраманд бўлғач, маълум муддат рус гимназиясида ҳам ўқиган. У таржима ҳолида бу жаҳда шундай ёзган эди: "Хат-саводимни чиқаргандан сўнг, Орифжонбий мадрасасига жойлашдим ва ўқитувчи Тўрахўҳа кўли остида хуқуқ илми, грамматика (сарф ва нахв), араб тили, мантқиқ ва ақоид илмларини ўргандим. Ҳар ёз таътил вақтларида эски усул тартибида ўз уйимда мактабдорлик қиласи эдим. Аммо таълим-тарбиямиз усулининг қийинлиги мени доим қўйнар эди... Бир куни кўзим Самарқанд шахридан гимназияга тушди... Муаллим ва шогирдларига дикқат билан қараб, жамоа интизом или рафткор-ҳаракатлари одоб ва ахлоқ доирасида эканлигини кўрдим. Таажжублани, ўз-ўзимдан сўрар эдимики, нима сабабдан биз, мусулмонлар бу хилдаги илгор мактаб ва мадрасаларга эга эмасмиз. Шундай жойлар куриб, мусулмон болаларини тарбия қилиш бизларга ҳам мусассар бўлармикан. Бу жиҳатдан кўп мутаассир эдим. Аммо, на чораки, бу матлабимизни ҳеч кимсага изкор этишга журъат этолмас эдим".

Яна бир характерли детал: ёш Абдуқодир соатини тузаттириш учун уста Бадридиннинг дўконига киргана унинг бир варақ қозоғни дикқат билан хижжалаб ўқиб тургани устидан чиқади. Соатсоз буни шундай тушунтиради: "Бу газета, бу орқали кўр кўзлар очилади ва ҳатто бутун дунёни кўра олади". Бу жадидларнинг ўша тарбарида кенг тарқалган машҳур "Таржимон" газетаси эди. Шу баҳона бўлди-ю, у Туркия, Озарбайжон, Татаристон, Кримдаги янги мактабларда ўқитиш услубидан хабардор бўлиб боради. "Бир куни "Таржимон" газетасига бир йиллик обуна учун 4 сўм тўладим, газетани қизиқиш билан мутолақ кила бошладим. Мазкур газетада янги усул мактаблари ҳақида ҳам мақолалар босилиб турар эди. Мен бу мактабларни қўриши орзу қила бошладим. Охри Кўкон шахрига бориб, ўн кун давомида янги усул мактабида бўлиб, унинг таълим-тарбия усуслари билан танишдим. Козонда ҳам шундай мактаблар борлигидан хабар топдим. Шундан сўнг ўз мактабим учун Қозондан дарсликлар олдим".

Ёш жадид ўз қишлоғида 1901 йилнинг кузида очган биринчи мактаби учун усталарга партага, ёзиш

тахтаси, бошқа ўкув жиҳозлари ясатади. Дарсликлар, ўкув кўлланмалари йўқлиги учун, ҳарфларни ўзув таҳтасига ёзар, болалар уларни ўз дафтарларига кўчириб оларди. Шунингдек, байзан татар педагоги Абдулходий Максудийнинг "Муаллими аввал", "Муаллими соний" китобларидан фойдаланарди. Бу дарсликлар савод чиқарини анча енгиллаштиради. Болалар 28 ҳарфни ўз яхши олувчи "Абజад"-ни ҳарфма-ҳарф айтиб ўрганар, ягона "Глобус"дан ўкув кўлланмаси сифатида фойдаланишади.

Абдуқодир Шакурийнинг Раҳабаминда очган мактабининг шуҳрати ёйлиб, у билан Ҳамза ҳам қизиқиб, Самарқандга келиб танишади ва кейинчалик ҳам янги усуладаги мактаб билан алоқани узмайди, ҳамкорлик қиласи. Ҳамзанинг "Енгил адабиёт", "Ўқиш китоби" ва 2-синф болалари учун ёзган "Қироат мактаби" китоблари ҳам самарқандлик ҳамкасбларига юборилади, Шакурий ва унинг шогирди Исламтула Раҳматуллаев тузган "Жомеъул ҳикоят" ("Ҳикоятлар тўплами") китоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий томонидан Кўқонда ташкил этилган "Дорилитим" ("Етим болалар мактаби")га юборилгани маълум.

Шуниси эътиборга лойиқи, "Рахнамои савод" дарслиги Исламтула Раҳматуллаев томонидан

маҳалласи, "Луччакон" кўчасида, Сўфиризикда, Дарвозаи Ҳожа Ахорда, Корибой оқсоқол маҳалласида, жами 17 та мактаб очишга муввафқ бўлади. Ташкилотчилик қобилияти боис у Самарқанд вилоят ҳалқ маорифи бўлимига жалб этилади, кейин ўқитувчилар тайёрлаш курсига раҳбарлик қиласи.

Самарқанддаги машҳур 10-мактаб ва педагогика билим юртининг ташкилотчиси ҳам Исламтула Раҳматуллаевдир. 1920 йили мактаблар учун дарсликлар тузиш комиссиясининг раиси, 1922-1926 йиллари таълим-тарбия (инпрос) институтининг биринчи директори, 1926-1933 йиллари республика биринчи бўлиб ташкил этилган Китоб палатасининг директори, 1934 йилдан бошлаб Ўзбекистон марказий ижроия ижтимоий ҳисоб кўмитасининг масъул ходими, 1937 йилгача Махмудхўжа Беҳбудийномидаги марказий кутубхона директори бўлиб ишлагани унинг йирик жамоат арбоби бўлиб танилганидан далолатдир. Ўз даврида Исламтула муаллим номи билан машҳур бўлган маърифатпарвар устоз юзлаб шогирдларга раҳнамолик қиласи. Улар орасида шоир Ҳамид Олимжон, Воҳид Абдуллаев, Отавулла Баҳовуддинов каби академиклар, ҳалқ артисти Раззок Ҳамроев, композитор Толибжон

ли киши эди, ҳамма вақт кулиб турар, лекин кулгилари байзан маъюс туюлар, нимадандир рози эмас эди... У вақтда биз ерда ўтирад эдик, ўқитувчи доска ҳарф, сўз ва гаплар ёзиб, бизга тушунтиради эди, биз эса дафтаримизга ёзиб олар эдик. Кейинчалик отам қаердандир грифел доска (тоштахта) топиб келди. Бизнинг ҳар бириншиларни бажарар эдик. Ўқитувчимиз дарсларни қатъий жадвал асосида ўтказар эди. Бир куни рус тили, арифметика, география, тарих, тиббиёт фанларидан дарс ўтказса, иккичи куни бу дарсларнинг ўрнини навбат билан алмаштиради. У ўзбек тилини ҳам ўргатар эди. Мен ўзбек тилини (грамматикасини) ва араб ҳарфидаги ўзувни яхши ўргандим, ҳозир ҳам арабчада яхши ёза оламан. Тиббиёт дарси бўйича у бизларни Булунгур ариғи ёқаларига олиб борар, тиббиёт тарбиятчиларнинг олдинги сафларида борган. 1900-1901 йиллари Россия, Туркия ва Арабистонга саёҳат қиласи. Самарқанд шаҳрига яқин Жомбай туманинг Ҳалвойи қишлоғида 1864 йили хунарманд оиласида туғилиб, Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил олади.

У XIX асрнинг охри ва XX асрнинг бошларида содир бўлган ижтимоий-маърифий ўзгаришлар жарчиси ва тарбиятчиларнинг олдинги сафларида борган. 1900-1901 йиллари Россия, Туркия ва Арабистонга саёҳат қиласи. Самарқанд шаҳрига яқитгач, хориждаги илғор ғояларни ўз юртида жорий қилишга фаол киришади. 1903 йил ўйлиқ, жонажон қишлоғида меҳнат

МУНАВВАР МАЪРИФАТПАРВАРЛАР

нашр қилинади. Унинг 1-бетида куйидаги сўзлар илова қилинган эди: "Ҳар бир саводсиз киши файрат ва тиришқоқлик билан бу алифбодан фойдаланса, озигина вақт ичидаги ўқидиган ва ёзадиган бўлиб қолади". Китобнинг муковасида шундай доно сўзлар битилгани ҳам эътиборлидир: "Жоҳил фарзанднинг гуноҳи ота-онанинг зиммасидадир. Билим-ёруғликдир, нодонлик-коронгуликдир".

Устоз Абдуқодир Шакурийнинг раҳнамолигига Исламтула Раҳматуллаевнинг 10-12 йиллик меҳнати натижаси ўларко, 1915 йили Тошкентда "Алифбе таълими" китоби нашр этилади. Ушбу дарслик 46 бет, 90 та дарс машгулотидан иборат бўлиб, янги усул мактаблари учун асосий кўлланма бўлган. Унда ахлоқ-одоб, таълим-тарбияга оид жуда кўп ҳикматлар келтирилган. Дарсликдан шеър ва ҳикоялар, ибратли ривоятлар ўрин олган

Абдуқодир Шакурийнинг ҳамқишлоғи ва шогирди Исламтула Раҳматуллаев ХХ асрнинг 10-йилларига келиб, етук маърифатчи сифатида танилиб ва бу йўлда миннатдор шогирд сифатида улкан ишларни амала оширади, юкори мартабаларга эришиади. Исламтула Раҳматуллаев илк мальумотини Абдуқодир Шакурийнинг саводхон онаси Биби Розиядан олган. Шакурий очган мактабда 1903 йилдан эътиборан ўқитувчилек килган. Ёш музаллим устози раҳбарлигига бошланғич синфлар учун "Раҳбар мактаб" алифбосини тузган.

Ўқитувчиларга анча тарбия ҳосил қиласи шогирдига устоз мустақил мактаблар очиб ишлашни тавсия этида Исламтула муаллим 1913 йил 1 сентябрда Самарқандда, Регистон кўчасида ўзи мустақил янги мактаб очади. Ставков деган рус зиёлисинг мактабида сабоқ олган аскотиб, янги мактабининг ўқиб режасига биринчи бўлиб рус тили фанини ҳам киритади. Атроғига Сайдизо Ализода (рус тилидан), Рашид Абдужабборов (жўроғиятдан), Ахоркул Турсунов (математикадан) ва Аминхон Раҳматуллаевни (арифметикадан) тўплаб, янги тартибида ўқиши жорий қилишиади. У жазо муддатини шимолий Қозоғистоннинг Петропавловский вилоятидаги лагерда тутатди. Ҳалқимизнинг фидойи фарзанди Исламтула Раҳматуллаев 18 йил қатагон даврининг азоб-укубатларини кўриб, ишни бошлаб юборади. У 20-йилларгача "Кўшховуз" маҳалласида, Юсуфбой

Содиков, ўнлаб профессорлар, Музайяна Алавия, Фотих Ниёзий, Ҳабиб Юсуфий сингари ёзувчилар, юзлаб моҳир ўқитувчи-педагоглар бор эди.

Исламтула Раҳматуллаевнинг таржима ҳолида нурли саҳифа очган бир воқеа ҳам эътиборга лойик. Бу Садриддин Айнининг Бухоро амири таъкибидан қочиб, Самарқандга келиши билан бўлиб, Исламтула муаллим касал ётган Айниний бир чойфурушнинг нотинч хонадонидан ўзи яшаган Сўфи Розик кўчасига кўчириб олиб келади. Адид уч йил (1917-1919) яшаб, даволаниб, асарлар битиб, Исламтула муаллим билан иноқлаши, дўстлашиб кетади.

1937 йилнинг 19 август куни Исламтула муаллимни қамоқча олишиади. Нафакадига Исламтула Раҳматуллаев "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, деган айб билан 42-колонна маҳбусига айланади. Сўроқларда: "Мен бўйнимдаги айбимни тан олмайман. Чунки мен њеч қачон "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси бўлмаганиман, бирорта миллатчилик ва аксилини килади. У Пушкин, Толстой, Гоголь, Крилов асарларини таржима қилиб, улардан намуналарни ўқишига мунтазам босилиб турган. Шунингдек, ҳалқ кутубхонаси ташкил этиб, оддий фуқаро ўртасида маърифат тараккида жонбозлик кўрсатади.

Саидахмад Сиддиқий истеъодли ижодкор сифатида танилган, Ажзий таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг шундай ажойиб хусусиятини алоҳида қайд қилиш керакки, у болалардан тозаликка риоя қилишни талаб қиласи. Шоир ва публицист Сиддиқий-Ажзий 1912-1915 йилларда "Миръоти ибрат", "Ганжина ҳикмат", "Айнул-адаб" номлари билан шеърий тўпламлар, "Тажвидал — Қуръон" китобини нашр қилишга мусассар бўлади. У тўпламларига маснавида битилган эпик достонларини ҳам киритиб, замонасида рўй берган ижтимоий-сийёсий ва маданий-маърифий воқеаларга муносабат билдиради. Бу фикримизни шоирнинг "Миръоти ибрат" достони ҳам равшан кўрсатиб турбиди. Шоир ўз шаҳри Самарқанд шаҳрида гирифатлардан ташкил, қишлоқ томонларда ҳам янги мактаблар очган. Масалан, Пайариқ туманинг Челак қишлоғида шундай мактабда рус болалари ҳам ўқитилган. Челак мактабини битириб, кейинчалик Самарқанд медицина институтида узоқ йиллар ишлаган профессор Г.Н.Александров шундай эслайди: "Мен биринчи жаҳон уруши йилларида Челак қишлоғида Саидахмад Сиддиқий кўлида ўқиганман. Менинг отам Николай Михайлович 1905-1907 йиллар революциясида революцион варажалар тарқатгани учун қамалган эди. Кейинчалик ўз дўстлари ёрдами билан қамоқдан бўшатилган. Унга "бўй патта—волнчи паспорт" (Чор Россиясида хукумат назарада ишончсиз хосбланинг кишиларга бериладиган паспорт) берилган. Шунинг учун отам Самарқандга келиб, Челак қишлоғида бир хусусий корхона эгасининг кечки пахта тозалаш заводига ишга киради. Отам мени шу ерда Саидахмад Сиддиқий томонидан камбағал-дехқон хунармандлар болалари учун ташкил қилинган мактабга ўқишига берди. Мактабда 10-12 бола бор эди. У (Саидахмад Сиддиқий) болаларни рус тили ва адабиётидан ўқитар эди. У болаларни жуда мамнуниз.

Мунаввар маърифатпарварлар Абдуқодир Шакурий, Саидахмад Сиддиқий-Ажзий ва Исламтула Раҳматуллаевнинг кутлуғ номлари тикланиб, улар қолдирган бой месор, ибрат мустақиллигимизга хизмат қилаётганидан жуда мамнуниз. Ироил МИРЗАЕВ, СамДУ профессори, "Шахидлар хотириаси" хайрия жамғармаси вилоят бўлумининг раиси

Qatag'on qurbanlari

— Отажоним ҳамиша б

“Сирожиддин Махдум Сид-
қий 1302 сана ҳижрияда Тош-
канднинг шарқ ёғинда олти
оғоч йироклиқда бўлғон Хан-
дақлиқ ўлкасинда дунёга ке-
либ, тахминан олти-етти ёш-
ларида саводи чиқиб, ўзидан
буюкларға сабоқ бера бош-
лади...”

Ушбу сатрлар даврининг серқирра ижодкори ва забардаст адиби Сирожиддин – Сидқий Хондайлиқийнинг таржимаи ҳоли – “Холати Сидқий”дан олинди. 1884 йилда, ўзи таъкидлаганидек, Хандақлик аталмиш (хозирда Хондайлик леб юритипали) ма-

дайлиқ дең юритилади) ма-
конда туғилиб үсган бу инсон
бор-йүғи эллик йил яшади.
Кисқа умр күришини гүё ав-
валдан билгандек, кеча-ю кун-
дуз тиним билмай, үзини об-
дон қийнаб яшади. Құл урма-
ган касби, үрганмаган ҳунари
қолмади ҳисоб. Ҳамма нарса-
дан күркемлик қидириб, оёғи
етган, құли теккан жойда
гүзәллик яратиб умр кечирди.
Шоир Сидқий таржимон, му-
аллим, рассом, устаси фаранг
гулчи, асалчи ва ҳатто нонвой
сифатида танилган. Ёпган
ширмой нонларининг таъми
ва таърифи тилларда достон
эди. Аммо шунга қарамай, у
асосий умрини бадиий ижод-
га бағишлиб, бир-биридан
гүзәл ва мазмунли асарлар
яратди.

Афсуски, бу авлод толеи оғир кечмишларга дучор бўлди. Ҳакикат қалами тоши-
яратди.

ни ҳам тарс ёриб юборувчи ҳақгўй шоирнинг боши таъқибу қувфинлардан чиқмади. Бора-бора унга “жадидларнинг энг буюк намояндадаридан бири” деган “унвон”ни ҳам ёпиштиришди. 1934 йилда Сидқий Хондайлиқий тўсатдан дардга чалиниб вафот этмаганда, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийлар фожеаси унинг ҳам бошига тушиши бор гап эди. Зеро, шоирнинг савимий дўстлари ва шогирдлари асоссиз тухмат ва сабабсиз хунрезликларга дучор қилинди.

нүвчи бу шўрликнинг жонига нега қасд қилдилар? “Кўзи очик”лар у ёқда турсин, уларнинг яқинларини ҳам, яъни “кўзи очик”ларни илдиз-илдизигача йўқ қилиш сиёсатининг ёвуз башараси эди бу.

Сидкий Хондайликий шунчалар оғир даврда яшаса-да, Худо кўнглига солганларни ёзишдан, дилидагиларни тилига чиқаришдан сира-сира чарчамади. Натижада тош босмада босилган қатор-қатор китоблар, даста-даста қўлёзмалар яратилди. Бевакт ўлим туфайли серқирра ижод-

Sidqiy Xondaylıqıy

Уларнинг бошлари қуи эгилган. Ваъз айтувчи қўлидаги қофозга кўз югуртирас экан, йифилганлардан кимнингдир бошига бомбадек тушувчи далилни айтади: “Фалончи домла фалон фақир хонадондаги худойида шарият талабларига қатъий амал қилдими? Йўқ!.. Худойига фақат қорин ғамида борилмайди-ку. Ош-овқат егани етмагандек, тугун қўлтиқлаб жўнагани талончилик эмасми?!“

Диний мавзуда шу қадар кескин ваъз айтиш, устига-устак нафсини тиёлмаган айрим “дин пешво”ларини юзма-юз фош этиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермасди, албатта. Бунинг учун аввало ўзи пок, қолаверса, динимиз йўл-йўриқларини пухта билган инсонгина журъат қилиши мумкин эди. Шу хислатлар ўзида жамлангани, етарли билим ва асосга эга эканлиги туфайли ҳам Сидқий дадил ваъз айтарди. Ҳудди шунинг учун ҳам у “Мезони шариат” китобини ёзишга бел боғлади ва бу дастурни ажойиб бир тарзда якунлади.

Асад АСИЛ,
 ёзувчи

МЕБРИЯФАДІІСАРВАР АЛЮМІНОВИЙ КОАЛЬФАЛ

Шулардан бири Сидкүй Хондайликий туғилиб ўсган туманда яшовчи мулла Аъзам Хумсоний эди. Ўта маърифат-парварлиги, билимдонлиги, диний эътиқоди, “жадид”лар билан дўст тутингани учун бу инсон қайтиб келмасга олиб кетилди. Мулла Аъзам-ку, “жадид”ларга дўст тутингани учун айбдор бўлибди. Унинг укаси Маҳмуд-чи? Бор-йўғи деҳконшилик билан шуғулла-

кордан тугалланмаган асарлар
ҳам қолди...

Биргина “Мезони шариат”
китобининг ўзи адиб шаънига
ҳар қанча таҳсинлар айтишга
асос бўла олади. Динимиз,
шариатимиз йўл-йўриқлари,
тартиботлари, уларга амал
қилиш ва чиройли ижро этиш
услублари хусусида рисола
яратиш ҳазилакам иш эмас.
Бекаму-кўст, жозибадор, халқ
калбига тез йўл тода оғувчи

фазлу камоли ФОЯТ улуг эканини юқори қишлоқлардан бирининг масжидида бўлиб ўтган воқеадан билса бўлар.

...Қўлидаги узун қофозга битилган маълумотларга орасира кўз ташлаб қўйиб, мезана (азон чақириладиган жой)-да Сирожиддин — Сидқий Хондайликий ваъз айтмоқда. Масjid ҳовлисини тўлдирган жамоанинг олдинги қаторида



оиласига мансуб 8 туркумнинг бутун ареалини дунёйнича йрганиб. Ўрта Осиё ийларини

ҰСТАДЫРЫЛЫМДАР

БИЛАН

СИРДАРДЫ БІРІКІМДЕ

лари, сувсиз қақраб ётган жазирама чўллари қанчалик мудҳиш бўлмасин, унинг ўзига хос ўсимликларидан ажойиб гербарийлар ва ўтмиш фло-расидан дарак берувчи қазилма кол-лекциялар йифиб қайтди. Ўрта ер ден-гизининг энг жанубида жойлашган Ливиянинг Марказий минтақаси (зо-наси) флорасини биринчи бўлиб ўрганиб чиқкан киши Ўткир Пратов-дир. Бу минтақа ўсимликларининг 306 турдан иборат тўлиқ рўйхатини Ливия давлат университети профес-сори А.Гадий билан ҳамкорликда ин-глиз тилида нашр этди. Ливияда йиқ-қан 16 мингдан зиёд гербарийдан 6000 га яқинини Ботаника институ-тига олиб келди ва уларнинг турла-рини аниқлади. Бу Африкадан Ўзбе-кистонга олиб келинган ягона дур-дона ҳисобланиб, гербарий олтин фонлига сакланмокла

ликларининг генезиси, тарқалиши ва филогениясига оид қатор назарий фикрларни ўртага ташлади. Бу фоялар унинг “Климакоптера” номли монографиясида ва “Нанофитон” туркуми ҳақидаги қатор мақолаларида ижодий ривожлантирилган. Ботаник олим 6 та монография ва 300 га яқин иммий асарлар, 3 та “Ботаника” дарслуги, 4 та ўқув қўлланма, 10 дан зиёд рисолалар муаллифидир. 10 жилдлик “Определитель растений Средней Азии”, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” (I-XII жилд), “Қизиқарли ботаника”, “Лолалар” (Ўрта Осиё лолалари), “Ўзбекистоннинг ботаник олимлари” ва бошқа асарларни ёзишда ҳам у киши ўз меҳнатини аягани йўқ.

Ўзбек тилида ботаника фанига оид асарлар ва таксонларнинг номлари-ни яратиш Ўқтам аканинг бирдан-бир орзуси эди. Шу максадда К. Зоки-

Fanimiz fidoviları

ров, М.Набиев ва Ҳ.Жамолхонов билан ҳамкорликда “Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли луғати”ни яратишга ҳисса кўши.

Унинг иштирокида олий ўқув юртлари талабалари учун “Ботаника ва геоботаника асослари”, “Табиий дори-дармонлар” каби китоблар нашр этилиши арафасида. Шунингдек, у Ўзбекистон миллий энциклопедиясига мақолалар ёзишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Мактаб ўқувчиларида табиатга ва наботот оламига меҳр-муҳаббат уйғотиш, уни муҳофаза қилишга жалб этишни ўзининг бурчи деб билиб, дастлаб доцент С.Холиков билан ҳамкорликда “Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи”ни яратди. Бундан ташқари, 5-, 6-, 7-синфлар учун яратилган ботаника дарсликларининг муаллифлар грухида ҳам Ў.Пратов номи бор.

Түрүүлидә ҳам у. Нратов номи бор. Ўктам ака ботаника институтига раҳбарлик қилган йилларда устувор йўналишдаги фундаменталь тадқиқотларни амалга ошириш, экология ва табиат муҳофазаси масалалари-га, малакали фан номзодлари ва фан докторларини тайёрлашга катта эътибор берди. У киши раислик қилган институт қошидаги ихтисослаштирилган илмий кенгашда 19 киши фан доктори ва 44 киши фан номзо-ди илмий даражасини олиш учун диссертация химоя килбен.

Устоз илмий изланишлари билан бир қаторда, ёшларга таълим-тарбия беришни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида, ЎзМУда давом эттириб келмокда. Шогирдлари бисёр, у шогирдларининг ютуқларидан шодланиб юради, улардан илмини, билимини дариф тутмайди. Бу эса устоз учун жуда коракчи ҳисобетди.

**М.МАТВАФОЕВА,
ЎзРФА “Ботаника” ИИЧМ
катта илмий ходими,
биология фандари номзоди**

ИСТАМБУЛДА ИККИ ПОРТЛАШ

Туркиянинг Истамбул шаҳрида жойлашган иккита мөхмонхонаси портлаш содир этилди. "Pars" ва "Holiday" мөхмонхоналари у қадар қиммат ҳисобланмайди. Портлаш натижасида бир киши ҳалок бўлган ва саккиз киши оғир тан жароҳати олган. "Pars" мөхмонхонаси портлаш юзага келганида 37 киши яшаётган эди. "Holiday" мөхмонхонасида эса 20 киши бўлган. Полиция



ходимлари ушбу портлашларни террорчилик хуружлари деб баҳолашган. "Pars" ва "Holiday" мөхмонхоналари хавфсизлик хизмати ходимлари воқеадан бир неча дақиқа олдин, но маълум киши томонидан қилинган қўнғироқ ҳақида гапириб беришган. Аммо, вақт оз қолгани учун мөхмонхоналар тўлиқ эвакуацияга улгурмаган.

500 ЭНГ ЯХШИ УНИВЕРСИТЕТЛАР

Шанхай университети дунёning 500 энг яхши олий таълим муассасалари рейтингини чоп этиди. Жадвал тузилиши университетларнинг илмий салоҳияти, мавқеи, ундан чиққан академиклар сони, Нобель мукофоти совриндорлари сонидан келиб чиққан ҳолда тузилди. Рейтинг қуйидагича бошланади.


Гарвард университети (АҚШ), Стэнфорд университети (АҚШ), Беркли университети (АҚШ), Кембридж университети (Британия) ва бошқа АҚШ ҳамда Англия университетлари етакчи ўринларда. Ўнталиктин охирларини Оксфорд ва Колумбия университетлари эгаллаган.

Россиянинг М.В.Ломоносов номидаги давлат университети 112 ўриндан жой эгаллаган. Санкт Петербург давлат университети фақатгина 422 ўринда турди. 23-ўринда Канаданинг Торонто университети, 25-ўринда Швейцария университети, 40-ўринда ўринда Нидерландия университети, 48-ўринда Мюнхен университети, 50-ўринда Австралия университети, 94-ўринда Ироил университети кўрсатилган.



ОДАМ ҚОЛДИҚЛАРИ ОЛМОСГА АЙЛАНДИ

АҚШда биринчи бор одам қолдиқларидан олмос ясалди. Агарда жасад кулини қаттиқ қизишиб кучли сиқишига олинса, ундан сунъий олмос ҳосил қилиш мумкин, деб хабар беради BBC агентлиги. "Лайф Гем" компанияси Брайн Тенди исмли эркакнинг куйдирилган жасади кукунидан кристалл яратди. Уни қайта ишлаб, сунъий олмосга айлантириди. Эндиликда ушбу тош 4150 долларга баҳоланиб, марҳумнинг



рафиқаси ва қизлари томонидан тақинчоқ сифатида тақиб юриладиган бўлди. Бундай ҳолат кўпчилик учун файритабии тувласда, Брайн Тенди томонидан васият қилиб қолдирилган. Ушбу инсон ҳётлигига геология билан шугулланган. Шунинг учун у олмослар қандай пайдо бўлишини билган, деб вазиятга изоҳ беради BBC. Марҳумнинг қизлари Гейл ва Клернинг айтишича, эндиликда уларнинг отаси ҳамиша улар билан бирга, ҳар ерда бўлиш имкониятига эга.

Интернет манбаалари асосида Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

Тошкент вилояти йўртачирчиқ туманинаги 65-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2000 йилда Алдаяров Фарҳод номига берилган №897562 раҳмали шаҳодатнома йўқолганилиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ҳозирда хорижий давлатлардаги олий ва ўрта махсус мактабларнинг география таълимида кузатилаётган, жаҳон олимлари тан олган асосли янгиликларни таҳлил қилиш ва республикамиз география таълимига ҳам киришиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Дунё океанини қисмларга ажратиш масаласи ҳам ана шундай муаммолардан дид.

Дунё океани ва унинг қисмлари ҳақидаги билимларнинг шаклланишида машҳур денгизчилар ҳамда сайёҳларнинг буюк кашфиётлари, атамашунос олимлар, илмий экспедиция раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Лекин география фанида муҳрланиб қолган айрим атама, таянч тушунча, ибораларнинг мактабларда турлича талқин қилинishi ва кейинчалик мазмунининг ўзгариб боришига дуч келамиз. Масалан, океан сўзи юонча oceanos – "умумдунё денгизи", "қирғосиз денгиз", "оламни юшиб турган дунё денгизи", "бутун дунёни айланиб оқувчи улуғ дарё" каби мазмунга эга, дейилади. Аслида океан сўзи қадимги финикийлар тилидан олинган бўлиб, "бепоён сувлик" деган мазмунга эга. Гидросфера атамаси ҳам қадимги юон афсоналарига кўра hydro – кўп бошли ҳайвон, spraya – шар (қобик) деган маънони англатсада, ҳозирги пайтда ернинг сув қобиги дейилади. Шунингдек, Шимолий муз океани ўтган асрнинг бошларида "Артика денгизи" номи билан Атлантика океани таркибига киритилиши ва кейинчалик яна Шимолий муз океани деб аталиши, Жанубий муз океани "Антарктика океани", ҳозир эса "Жанубий океан" деб аталиши каби ўзгаришлар мавжуд. Шубҳасиз, бундай атамаларни ўз ўринда жаҳон олимлари ётироф этган мазмунда ишлатиш зарур.

Ер юзасининг қурукликларсиз яхлит белоён сувли қобиги (мухити) Дунё океанинди. Сувли муҳит ер юзасида бир хил тарқалмаган. Шуни ҳисобга олиб, тадқиқотчи олимлар океанлар ва материклар яримшарларини ажратишган. Океанлар яримшари майдонининг 90,5 фоизини сув, материклар яримшари майдонининг 53 фоизини қуруклик эгаллади. Океанлар яримшаридаги ягона кутб Янги Зеландия оролларининг шимолий-шарқий чеккасига яқин бўлган Тинч океанида жойлашган бўлса, материклар яримшарининг

кутби эса, Франциядаги Лаура дарёсининг куйи оқимига тўғри келади.

Материк ва ороллар билан чегараланган Дунё океанининг йирик қисмлари океандир. Уларни тарихан таркиб топган географик объект деб қараш жоиз. Шунинг учун ҳам океанларни географик ўрни, таркиб топиш тарихи, ёши, геологик тузилиши, оқимлари, ҳарорати, шўрлиги ва биологик хусусиятлари билан бир бутун табиат комплекслари деб ҳисоблаш зарур.

Эрамиздан аввалги асрларда ёк Ер шарида "куруқлик кўпми ёки сув?" деган мунозарали масала узок даврлар мобайнида ноаник бўлиб келди. Машҳур денгизчи Ф.Магелланнинг (1519-1521 й) дунё океани таснифига мос келган иккинчи ҳолат эди. Бутасниф кейинчалик қай-

Tahlil, mulohaza, taklif

лар. Айрим давлатларнинг олимлари учта океанга, яъни Тинч, Атлантика ва Хинд океанлари ажратди. Улар Шимолий муз океанининг "Артика денгизи" номи билан Атлантика океанин таркибига киритилар. Лекин XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб Шимолий муз океани мустақил океан сифатида дунё олемлари томонидан ётироф этилди ва ўрганила бошланди.

Дунё океани 1928 йилдаги ҳалқаро Географик бюро томонидан бешта океанга ажратилди. Океанлар қуйидагича номланади. Тинч, Атлантика, Хинд, Шимолий муз, Жанубий муз океанлари. Бу Б.Варениус таснифига мос келган иккинчи ҳолат эди. Бутасниф кейинчалик қай-

ро Географик бюро бешта океанин ажратиши ҳақида келишиб олindi. Халқаро Географик бюро қўлланмаларида, атласларида (масалан, инглизларнинг "денгиз савдо флоти атласи"да) Жанубий океан акс этирилган. Собиқ Иттифоқда "Антарктика атамаси" (1966 й), "Океанлар географияси" нашр этилди. Уларда Жанубий океанга алоҳида тавсиф берилди. Шунингдек, 2001 йилда Россия Олий педагогика ўкув юрти география факультети талабалари мўлжалланган ўкув қўлланмаси нашр этилди (муаллифлар Б.С.Залогин, К.С.Кузьминская — Мировой океан, М., 2001, 192 бет). Унда Жанубий океан мустақил океан сифатида ажратилган ва мажмуали тавсиф берилган.

Сўнгги ўн йиллардаги махсус денгиз ташкилотлари тузилиб, Дунё океанида ҳалқаро ҳамкорлик асосида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Масалан замонавий ускуналар билан жиҳозланган кема-институтлар, Жак Ив Кусто илмий экспедицияси кабилар, космик тадқиқотлар натижасида Дунё океани ва унинг таркибий қисмлари тўғрисида аниқ маълумотлар тўпланди ва илмий хуласалар қилинди. Айни пайтда ЮНЕСКО қошида Дунё океани ва таркибий қисмлари тўғрисида аниқ маълумотлар тўпланди ва илмий хуласалар қилинди. Айни пайтда Дунё океани ва таркибий қисмлари тўғрисида аниқ маълумот берилди.

Собиқ Иттифоқда 1937 йилда тўртта океан, яъни Тинч, Атлантика, Хинд ва Шимолий муз океанлари Дунё океанларининг қисмлари эканлиги ҳақида қарор қабул қилинди. Мустақил Ўзбекистонда ҳам янгитдан нашр этилган ва таржима қилинган география таълимига оид дарслар ва ўкув методик кўлланмаларда ҳозиргача номланиб келинаётган ушбу тўртта океан ҳақида маълумот берилмоқда.

Энг муҳими, 1957-1959 йиллардаги Халқаро геофизик йилда ва 1966 йилда Собиқ Иттифоқ География жамияти Жанубий океанин ажратиш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. Дарҳақиқат XX асрнинг 50-60-йилларидан бошлаб Дунё океанида кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Натижада Дунё океанининг Антарктида материгига туташ қисмлари мустақил эканлиги исботланди. Жумладан, Жанубий океанинг таълими жамияти биринчи океанга Жанубий муз океани деб эмас, Жанубий океан деб ном берди.

Ажабланарли жойи шундаки, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг ўрталари гача Дунё океанинг қисмларини ажратиш масаласи янада мураккаб муаммога айланди. Бу пайтларда тадқиқотчи олимлар Дунё океанинг таълими, яъни рельефи, атмосфера ва сув циркуляцияси, ҳарорати, шўрлиги, биологик хусусиятлари ўзига хослиги аниқланди. Шунга асосланиб Монако шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Географик бюро бешта океаннинг ажратиши ҳақида келишиб олindi. Халқаро Географик бюро қўлланмаларида, атласларида (масалан, инглизларнинг "денгиз савдо флоти атласи"да) Жанубий океан акс этирилган. Собиқ Иттифоқда "Антарктика атамаси" (1966 й), "Океанлар географияси" нашр этилди. Уларда Жанубий океанга алоҳида тавсиф берилди. Шунингдек, 2001 йилда Россия Олий педагогика ўкув юрти география факультети талабалари мўлжалланган ўкув қўлланмаси нашр этилди (муаллифлар Б.С.Залогин, К.С.Кузьминская — Мировой океан, М., 2001, 192 бет). Унда Жанубий океан мустақил океан сифатида ажратилган ва мажмуали тавсиф берилган.

Демак, Жанубий океан Дунё океанининг мустақил ўзига хос қисми тариқасида ҳалқаро миқёсида олимлар ва кенг жамоатчилик томонидан тан олинганлигини ўтиборга олиш керак. Фикримизча, Ўзбекистонда ҳам таълимининг география таълимига оид дарслар ва ўкув методик кўлланмаларда ҳозиргача номланиб келинаётган ушбу тўртта океан ҳақида маълумот берилмоқда.

Абдурасул СОАТОВ, ЎзМУ доценти, Зокир РАЙМОНОВ, ТДПУ доценти, Мухаббат ТИЛЛАБОЕВА, РТМ бosh методисти

ДУНЁНИНГ БЕШИНЧИ ОКЕАНИ

АЛИФБО САБОҚЛАРИ

11-САБОҚ

NG ҲАРФЛАР БИРИКМАСИННИГ ИМЛОСИ

Мазкур ҳарфлар биримаси битта товушни ифода этади. Лекин ўзбек тилида худди шундай алоҳида товушлар ҳам бор. Улар н ва г товушлари. Сўзларда ана шу алоҳида товушлар ҳам ёнма-ён келиб қолиши мумкин. Талаффузда нг ва н+г товушлари ўзаро фарқланиб туради:

1) нг — тил орқа овоздор бурун ундош;

2) н — тил олди овоздор бурун ундош;

3) г — тил орқа жарнги портловчи ундош.

Бу ўзаро ўхшаш ҳарфларнинг ёзилиш қонуниятлари қуидагича:

1) нг битта товушни ифодалаганда битта ҳарф сифатида ёзилади, яъни улар ўзаро ажратиб ёзилмайди ва ажратиб талаффуз ҳам этилмайди: ko'ngil, tong, ming, teng, so'ng, bodring, keling каби.

2) н ва г товушлари икки алоҳида товуш бўлиб, ёнма-ён келиб қолганда улар икки алоҳида ҳарф ҳисобланади, яъни ажратиб ёзиш ҳам мумкин ва ажратиб талаффуз

етиш ҳам мумкин: kongress (kon-gress), shtanga (shtan-ga), ingliz (in-gliz), tomonga (tomon-ga) каби.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида сўзлар қўш ундош билан бошланмайди. Айнан нг товуши билан бошланадиган сўзларга ҳам мисол мавжуд эмас. Лекин тилимизда қўш ундош билан бошланувчи ўзлашма сўзлар талайгина. Масалан: kriminalistika, broker, grant, kvota, kredit, plenum, prokuror кабилар.

Баҳодир СУЮНОВ,
Тошкент давлат юридик
институти катта
ўқитувчisi



Ўз TV-1нинг "Иқтидор" интеллектуал телевизионида Тошкент вилояти туманлари-

«ИҚТИДОР»ДА ЎҚИТУВЧИЛАР

дан келган турли хил фан ўқитувчилари беллашадилар. Бу галги ўйинда Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ЙИХ билан биргаликда "Маърифат" газетаси ҳам ҳомийлик қилди. Ўйин якунида саккизта жамоа сардорига газетанинг соғлалари топширилди.

Умархон АСРОРОВ

2004 yil — «Mehr va muruvvat yili»

ётган бўлса, 5 нафари ишляяпти. Улар билан доимий мулокотда бўлиб турамиз.

— Бу ер ўз уйимиздай бўлиб қолган, — деди ўзини деб танишитирган қизалоқ. — Ҳамма шароитлар бор. Бирок... ҳаммамиз ўз ота-онамиз бўлишини хоҳлаймиз.

Шарт-шароит, тарбияланувчи-ларнинг ўқиши, дам олиши билан кизиқидик. Ҳар бир ёткохона ўз телевизори, видео ва аудио магнитафонларига эга. "Мен дунёни чизаман", "Бир йигитга кирк ҳунар оз", "Уй бекаси" сингари бир неча тўгараклар ишлаб турибди. Шунингдек, Тошкент Юридик институти ҳомийлигига компютер синфи ташкил этилган. Яқинда "Мехрибонлик уйи" тарихида унуттилмас воқеа бўлди. Уларнинг "Настарин" рақс гурухи Қора денгиз бўйидаги

ИсминиFaур қўйдик. Йигит кувончини яшиrolmasdi.

Опа уни ўғил билан кутлади ва "Бу бизнинг набирамиз", — дея кўшиб кўйдилар.

"Меҳржон" ҳомийлик ва васийлик кенгаси меҳрибонлик уйининг асосий ҳомийси ҳисобланади. Бирок, бу ерга совға-салом билан келувчилар жуда кўп. "Global-Source"-Net" ташкилоти ҳар ойда болаларнинг түғилган кунларини ўтказиб берса, "Нефт-газ" корхонаси ҳам тарбияланувчилар ҳолидан ҳабар олиб туради. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими яқинда бўлалар учун 3 та музлатгич ва компьютер совға қили. Етимларга муруват кўрсатиш, уларнинг ўқисик кўнгилларига малҳам бўлиш савоб иш. Бирок, буларнинг барчаси ҳам бўлиб ота-онасилик мөр бера

ИККИ УЙГУН ТУШУНЧА

Инсон тирик экан, тинмай ривожланни имконини қидиради, яъни иқтисодий муносабатлар орасида яшаётганилиги ва боғланганилиги сабабли иқтисодиёт билан шугулланади. "Иқтисод" сўзи тор маънода инсон яратган барча неъматларни, табиатдаги барча бойликларни, инсоннинг меҳнатини тежаб-тергаб ишлатиш маъносини ифодалайди. Кенг маънода иқтисодиёт инсоннинг тириклигини ўтказишига картилган хўжалик фаолияти бўлиб, бу фаолият ишлаб чиқаришдан бошланиб, яратилган маҳсулотни истеъмол этиш билан якуланиди. Кишилар доим иқтисодиёт билан машғул бўладилар, чунки шу йўл билан ўз ризқ-насибасини яратадилар.

Маънавият эса, иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи, ривожлантирувчи мухим омиллардан ҳисобланса ҳам, унинг ўзи иқтисодиёт билан узвийликдагина юқори чўққиларга кўтарилиши мумкин.

Маънавият иқтисоддан узоклашар экан ёки уни унтар экан, аста-секин инқирозга юз тутган. Маълумки, ҳар қандай жамият ривожи иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг омухтасидан иборат. Бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ бу икки қисмни бир-биридан ажратиш, уларни бир-бирига қарши кўйиш воқеликка зид бўлиб, охири муваффакиятсизлик билан тугайдиган ходисадир.

Совет даври адабиёти ва санъатида худди шундай ходиса юз берган. Бу даврда битилган шеърий ва насрый асарларнинг кўпчилигига ҳаракмонлар кундалик турмуш ташвишлари, пул тўғрисида мутлақо ўйламас, улар туну-кун янги технологиялар яратиши, янги ерлар очиши, эскиллик сарқитлари билан кураш тўғрисида бош қотирдилар. Ҳолбуки, ҳаётда бундай эмасди. Фақат ҳаётда эмас, XIX-XX аср адабиётининг юқсак чўққилари ҳисобланган Бальзак, Эдгор По, Фолкнер, Жек Лондон сингари ўзувчилар яратган ҳаракмонлар ҳам пул ва бойлик тўплаш тўғрисида туну кун бош қотира-

Fikr

Савдо ходимлари, ҳисобчи-бухгалтерлар, омборчилар, далоллар сингари иқтисодий ҳаётнинг зарур кишиларини факат қора бўёкларда тасвирлаган совет адабиёти жамиятнинг бойишига, иқтисодий жиҳатдан юксалишига ҳисса кўшиши мумкин эмас эди. Мана шу мисол ҳам адабиёт ва санъат, умуман маънавият иқтисодга тескари қараб олганда инқирозга учраши ва иқтисодий тараққиётга тўсик бўлиб қолишини кўрсатади.

Дилшод ШАРИПОВ,
Тошкент Молия институти
талабаси

ГУЛГА ҚИЁСЛАЙМАН, ЖИСМИНГ БОЛАЖОН!

Кўйиши. Атрофни кузатамиз. Уй ҳовлиси болалар билан тўла. Ҳамма ўз иши билан банд. Кўринишидан ўн ўшлар чамасидаги болакай қўлидаги чиннингулни кўтариб олганча, экиш учун мақбул жой қидиради.

— Опа, қаранг гул чиройли-а?

— Ха, чиройли, — дейман эски қадрёнлардай. — Гулни нима кильмоқчисан?

— Экиб қўймоқчиман, қаранг, кимдир юлиб ташлабди, ғунчалининг кўплигини.... Экиб қўйсан, хали қанча очилиши мумкин, шундайми?

— Албатта!

Навбатчилардан бири бизни мусасса раҳбари Зулфия Анварова ҳузурига бошлади. Опа билан сұхбат давомида бу ерда 160 нафар ўғил-қиз тарбияланishi, уларнинг аксарияти тирик етимлар эканлигини билиб олдик.

— Бу йил ўн беш нафар тарбияланувчимиз мактабни тугаллади, — деди опа. — Ўтган йилги 22 нафар битирувчиларимизнинг ўн етти нафари турли олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил ола-

олармикан? Нега бу ерда тарбиялананаётган болаларнинг ота-оналари бу ҳақда ўйлаб кўришмас экан, деган дардли ўй кечди кўнглимиздан.

— Биз ўтмишимиз билан эмас, келажакимиз билан яшаймиз, — деди Зулфия опа. — Бу ергагарларнинг ҳаммасини ота-оналари ташлаб кетган десам, хато қилган бўламан. Негаки, тақдир тақозоси сабаб келиб қолганлар ҳам талайгина.

Бизни қувонтирган яна бир воқеа, бу ерда тарбиялананаётган Шаҳноза ва Костяларнинг ўз яқинлари бағрига қайтгани бўлди. Бетоб бўлиб қолган Шаҳноза шифохонада ўз яқинларини топиб олган бўлса, Россиянинг "Жди меня" кўрсатуви Костя Богдановнинг қариндошларини топлишига ёрдам берди. Бу ерга ўтказиладиган тўйто тантаналарни айтмайсизми. Уларнинг барчаси суратларда мангуга муҳрлаб кўйилган.

Опа билан хоналарни кўздан кечиралимиз, бир йигит келиб салом берди-да, опанинг алиқ олишини кутмайдек, янгилини эълон килиди:

— Зулфия опа, ўғилли бўлдик.


Анапа шаҳрида ўтказилган халқаро тадбирда концерт дастурини намойиш этиб қайтиши.

— Биз ўтмишимиз билан эмас, келажакимиз билан яшаймиз, — деди Зулфия опа. — Бу ергагарларнинг ҳаммасини ота-оналари ташлаб кетган десам, хато қилган бўламан. Негаки, тақдир тақозоси сабаб келиб қолганлар ҳам талайгина.

Бизни қувонтирган яна бир воқеа, бу ерда тарбиялананаётган Шаҳноза ва Костяларнинг ўз яқинлари бағрига қайтгани бўлди. Бетоб бўлиб қолган Шаҳноза шифохонада ўз яқинларини топиб олган бўлса, Россиянинг "Жди меня" кўрсатуви Костя Богдановнинг қариндошларини топлишига ёрдам берди. Бу ерга ўтказиладиган тўйто тантаналарни айтмайсизми. Уларнинг барчаси суратларда мангуга муҳрлаб кўйилган.

— Бажонудил. "Мазкур даргоҳда тарбияланётган ҳар бир ўшга баҳти бекамлик, бағри бутунлик тилаймиз. Омад ёр бўлсин. Тарбияяни опаларнинг хайрли ишларига улкан зафарлар тилаймиз.

— Эҳтиром билан, ўз ДЖТУ талабалари: Дилноза НОМОЗОВА, Фарруҳ ЖАББОРОВ."



ДУНЁ НИГОХИ ГРЕЦИЯДА

Бугунги кунда бутун дунё нигохи Греция пойтахти Афинада ўтадиган жаҳон чемпионатига қаратилган, десак муболага бўлмайди. Олимпия ўйинлари ватани хисобланган бу қадимги шаҳарда 13 август куни XXVIII ёзги Олимпия ўйинлари тантанали равишда очилади. Ўн олти кун давом этадиган бу спорт байрамида беш китъя спортчилари ўзларининг бор кучларини намойиш этади.

Афина олимпиадасида 69 нафар вакилимиз спортнинг 15 тури бўйича Ватанимиз шарафиди ҳимояни билдирилган: сизлар Олимпиада беллашувларида халқимизга хос жасорат ва шиҷоат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини яна бир бор намоён этасиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг байробгини янада баланд кўтариб, юртимизнинг шон-шурхатини бутун дунёга тарарнум қиласиз, деб ишонаман».

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига 13 йил тўлаётган бўлса, Олимпиада ўйинларининг ҳам очилиш маросими 13 рақамига тўғри келмоқда. Бундай ўхшашик эса фақат омад белгисидир. Биз спортчиларимизнинг шу ойнинг 13-куни 13 йилликка муносаби тўёналар билан қайтишига ишонамиз.

Биз шу ерда Олимпиада тарихига озгина тўхталиб ўтсак. Майлумки, олимпия ўйинлари ватани қадимги Юнонистоннинг Олимп шаҳри хисобланади. Афсоналарда битилишича, юнон худоси Зевс отаси билан бўлган жангда ғалаба қозонади ва ака-сингилларини күткаради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мусобақалар ҳақамлари таркибида мамлакатимизнинг 4 нафар вакили ҳам бор. Улар спорт гимнастикаси, эркин кураш, бокс ва теннис бўйича мусобақаларга ҳақамлик килишади.

Бундай олимпиадада катнашиш хукуқини кўлга киритган спортчиларимиз медаллар шодаси билан қайтишига кўпчилик мухлислар умид қилмоқда.

Хукуматимиз томонидан эса, «XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари бўлган Ўзбекистон спортчиларини раббатлантириш, уларнинг Ватанимиз спорти шарафига муносаби ҳисса қўшганлигини эътироф этиши мақсадида қуидаги миқдорларда бир марталик муроҷотлар белгиланди:

Олтин медаль учун
100000 АҚШ доллари:

Кумуш медаль учун
50000 АҚШ доллари

Бронза медали учун 25000 АҚШ доллари. Бундай

эътибор спортчиларимизга моддий раббатлантириш хисобланса, Президентимизнинг «Афина шаҳрида ўтказиладиган XXVII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спортчиларига» йўллаган табрик хатида спортчиларимизга шундай юксак ишонч билдирилган: «Сизлар Олимпиада беллашувларида халқимизга хос жасорат ва шиҷоат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини яна бир бор намоён этасиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг байробгини янада баланд кўтариб, юртимизнинг шон-шурхатини бутун дунёга тарарнум қиласиз, деб ишонаман».

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига 13 йил тўлаётган бўлса, Олимпиада ўйинларининг ҳам очилиш маросими 13 рақамига тўғри келмоқда. Бундай ўхшашик эса фақат омад белгисидир. Биз спортчиларимизнинг шу ойнинг 13-куни 13 йилликка муносаби тўёналар билан қайтишига ишонамиз.

Биз шу ерда Олимпиада тарихига озгина тўхталиб ўтсак. Майлумки, олимпия ўйинлари ватани қадимги Юнонистоннинг Олимп шаҳри хисобланади. Афсоналарда битилишича, юнон худоси Зевс отаси билан бўлган жангда ғалаба қозонади ва ака-сингилларини күткаради.

Шубу ғалаба шарафига Зевс спорт ўйинлари ўтказиши буоради ҳамда бу ўйинлар шаҳар номи билан Олимпия ўйинлари деб аталади. Яна бошқа афсонада, Зевснинг ўғли Геракл энг шавкатли ғалабалари шарафига Олимпия ўйинларини ташкил этади. У оёқ кафтлари билан югуриш мусобақасини ўюстиради ва шу орқали масофани белгилайди. Бу кўрсаткич олти юзта оёқ кафтига (192 м 27 см) тўғри келган.

Кадимги юоннлар мазкур ўлчовни «стадион» деб аташтади.

Миллоддан аввали 776 йил биринчи Олимпия ўйинлари ўтказилган сана ҳисобланади.

Орадан XII аср ўтиб, Рим императори Флодосий I Олимпия ўйинларини ҳар хил худоларга ишониш сифатида бекор қилади. 395 йилда византийлар би-

лан ваготлар урушидан сўнг Олимпия харобага айланади. 100 йилдан сўнг иккى бор содир бўлган кучли зилзила оқибатида Олимпия вайрон бўлди. Сўнг Алфей ва Кладей дарёларининг суви ва ботқоқ қаърига тортиб кетган.

Тўрт йил олдин ўтган XXVII ёзги олимпия ўйинларига ҳам бир назар солсак. Ўйинлар Австралияниг Сидней шаҳрида 2000 йилнинг 15 сентябрдан 1 октябригача давом этганди.

Сидней Олимпия ўйинлари бундай йирик анжуманлар тарихида иштирокчиларнинг кўлами билан ахрапиб турган. Мусобақаларда 11 минг нафар спорти, 5100 нафар расмийлар иштирок этган. 199 мамлакатдан келган вакиллар қатнашган. Спортнинг 28 тури бўйича 300 комплект медаль учун баҳс юритилганди. Олимпия олови 8 июняда ёндирилиб, Сиднейга 15 сентябрда етказиб борилган. Олимпия машъяласини кўтариб боришда 10 минг австралиялик иштирок этганди. Улар пиёда, поездда, велосипед, отларда, қайиқларда, самолёт, байдаркаларда ҳаракат қилишларига тўғри келганди. Олимпия шаҳарчаси 10 гектар майдонни ташкил этиши билан эътиборли бўлганди. XXVII Олимпия ўйинларини жаҳоннинг 220 мамлакатида жами 3 ярим миллиард телетомошибин кузатганди. Мусобақада мустақил юртимиз вакилларидан — боксчи Мұхаммадқодир Абдуллаев Олимпия чемпиони бўлди. Сергей Михайлов билан Рустам Сайдовлар бронза медалига сазовор бўлишиди.

Эркин кураш устаси Артур Таймазов голиблик шохсупасининг иккинчи поғонасини эгаллади.

XXVIII Олимпия машъяласи 13 август куни катта спорт анжуманинг очилиши бўлиб ўтадиган Афина-даги марказий стадионга олиб келинади.

Хозир мамлакат бўйлаб олиб юрилиди. Олимпия олови Марказий Грецияниг Дельфа шаҳри археологик харобаларида ўт олдирилган эди. Бу маскан бир замонлар Аполлоннинг нурхонаси бўлиб олимпия ўйинлари унинг номи билан боғлиқдир.

Бокс

1. Дониёров Тўлашбай Ашуралиевич, 1981 йил 30 марта туғилган.

У Афина олимпиадасида 51 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.

2. Султонов Баҳодиржон Маъруфович, 1985 йил 15 январда туғилган. 54 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.

3. Хидиров Бекзод Султонмуродович, 1981 йил 18 декабрда туғилган. 57 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.

4. Махмудов Дилшод Маҳамажонович, 1982 йил 30 ноябрда туғилган. 64 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.

5. Ҳусанов Шерзод Алимович, 1980 йил 27 январда туғилган 69 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.

6. Ҳайдаров Ўтиқирбек Абдужалилович, 1974 йил 25 январда туғилган, 81 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.

7. Абдураҳмонов Шерзод Исмоилович, 1982 йил 12 январда туғилган. 75 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.

8. Альборов Игорь Олегович, 1982 йил 30 ноябрда туғилган. 91 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.

9. Сайдов Рустам Тўхтасинович, 1978 йил 6 февралда туғилган. +91 кг. вазн тоифасида рингга чиқади.

Таэквондо (WTF)

1. Мирюкова Наталья Сайдмухторовна, 1985 йил 20 сентябрда туғилган. 68 кг. вазн тоифасида татамига чиқади.

2. Кайдашова Ирина Владимировна, 1985 йил 2 апрелда туғилган. 55 кг. вазн тоифасида татамига чиқади.

Оғир атлетика

1. Халилов Игорь Вячеславович, 1972 йил 13 июня туғилган. +105 кг. вазн тоифасида баҳс юритади.

2. Ўринов Александр Иванович, 1973 йил 24 февралда туғилган. 105 кг. вазн тоифасида баҳс юритади.

3. Сайдов Фуркат Комилович, 1987 йил 1 январда туғилган. 97 кг. вазн тоифасида баҳс юритади.

Юнон-рум кураши

1. Чеглаков Алексей Николаевич, 1974 йил 13 марта туғилган. 96 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

2. Доктуришвили Александр, 1980 йил 22 майда туғилган. 74 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

Эркин кураш

1. Мансуров Дилшод Исматович, 1983 йил 12 декабря туғилган. 55 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

2. Таймазов Артур Борисович, 1979 йил 20 июля туғилган. 120 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

3. Захартдинов Дамир Минимуллаевич, 1976 йил 2 январда туғилган. 60 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

4. Ибрагимов Магомед Абдумўминович, 1983 йил 18 марта туғилган. 96 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

5. Тавказаков Артур Казбекович, 1976 йил 30 июня туғилган. 66 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

Дзюдо

Тангриев Абдулла Товаревич, 1981 йил 28 марта туғилган. +100 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

2. Ақбаров Эгамназар Муфтиллаевич, 1976 йил 18 июля туғилган. 73 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

3. Зокиров Санжар Бахтиёрөвич, 1981 йил 28 марта туғилган. 60 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

4. Каликулов Мурат Жасуҗакович, 1978 йил 19 августа туғилган. 68 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

5. Сайдов Рамзиддин Бешимович, 1982 йил 14 апрелда туғилган. 81 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

6. Перетейко Вячеслов Дмитриевич, 1981 йил 19 январда туғилган. 90 кг. вазн тоифасида гиламга чиқади.

Сузиш

1. Искандарова Саида Назриддиновна, 1980 йил 12 марта туғилган. Осиё ўйинлари голиби.

2. Начаев Рафил Аҳмадович, 1974 йил 17 июня туғилган.

3. Пухнатий Олег Григорьевич, 1975 йил 10 июня туғилган.

4. Васильев Петр Леонидович, 1981 йил 21 апрелда туғилган.

5. Агафонов Александр Михайлович, 1975 йил 22 апрелда туғилган.

6. Сидоров Олег, 1983 йил 15 сентябрда туғилган.

7. Морковий Андрей, 1985 йил 9 апрелда туғилган.

8. Шлемова Ирина, 1984 йил 3 марта туғилган.

9. Ляшко Олег Владимирович, 1982 йил 13 октябрда туғилган.

10. Паньков Сергей Дмитриевич, 1988 йил 2 декабрда туғилган.

11. Цой Сергей Андреевич, 1986 йил 7 январда туғилган.

12. Бугаков Данил Григорович, 1988 йил 29 январда туғилган.

13. Бугакова Мария Григоровна, 1985 йил 29 январда туғилган.

14. Гнедовская Ольга Александровна, 1989 йил 29 январда туғилган.

15. Поляков Никита Валерьевич, 1986 йил 16 майда туғилган.

Академик эшқак эшиш

1. Наурзалиев Руслан Маратович, 1984 йил 21 декабрда туғилган.

Ko'ngil bitiklari

Гулчехра Шаҳобиддин қизи
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси.

Унинг шу пайтгача "Софинч",
"Дилда дардинг бўлмаса", "Янги
ой чиқсан кечаси", "Қалдиғочим",
"Жон ичра жондир Ватан" каби
шеврий тўпламлари чоп этилган.

**ВАТАН НАДУР?**

Ватан надур?

Унинг қадрин

Ватангандардан сўранг.
Тупроғини тавоғ айлаб
Йиглаб адолардан сўранг.

Ватан надур?

Унинг мадҳин

Элга фидолардан сўранг,
Ўз юртига етолмайин
Юрган жудолардан сўранг.

Ватан надур?

Унинг васфин

Машраб нидосидан сўранг.
Йўклар кишим борму, дея
Чеккан видосидан сўранг.

Ватан сўзин кудратини

Ўзга юртда ётдан сўранг.

"Ватан севмоқ иймондандур!"

Деган асл зотдан сўранг.

Ватан шундай буюклигин,
Ушбу сўзининг суюклигин,
Истиқлолга интиқ бўлиб
Ўтган аждодлардан сўранг?!

Ватан учун кўзларини
Кўзмунчокдай ўйиб берган.
Ватан учун жонин тикиб –
Бошин дорга қўйиб берган
Қатли курбонлардан сўранг
Шоир забонлардан сўранг...

**СИЗ ЎШАСИЗ**

Севганингиз, майли, мендан ортиқ бўлсин
Бегим, Сизга мингта жоним тортиқ бўлсин.
Сиз бор ерда хатар йўли ёпиқ бўлсин,
Хаёлимни обод қилган бир гўшасиз,
Мен излаган дилозорим Сиз "ӯша"сиз.

Йўллар қараб бъязан бошим хам бўлади,
Софинчлардан қаро кўзлар нам бўлади,
Хотирамда битта фикр жам бўлади,
Умр бўйи мен етмаган бир гўшасиз –
Кўнглим мулки ишонганим Сиз "ӯша"сиз.



Сиз ўшасиз юрагимда чақмоқ чақсан,
Сиз ўшасиз дилга ишқдан олов ёқсан,
Не учундир ортдан бъязан маъсъо боксан,
Кўнглингизни очоммайин гоҳ жўшасиз –
Мени суйган, мен суюрим сиз "ӯша" сиз.

Азоб берар сизнинг хижрон камонингиз.
Майли бўлай ишқда сизнинг ёмонингиз.
Хажрингизда бўлдим ранги сомонингиз.
Орзуларим сultonисиз, сиз ўшасиз.
Сиз ўшасиз, сиз ўшасиз, Сиз "ӯша" сиз!

СИЗНИ СОҒИНДИМ

Ёрдин айру кўзимни интизор этди фирок,
Колмади сабру қарорим, бекарор этди фирок.

(Нодира)

Мен сизни соғиндим, жуда соғиндим,
Сиз ўтар йўлларга пир деб топиндим.
Умидни ёпиндим, сувдайнин тиндим,
Сизни соғиндим...

Софинчдан кўнгил ҳам эзилиб кетди,
Тоқатнинг тоқлари бузилиб кетди,
Шубҳаю гумонлар тизилиб кетди,
Сизни соғиндим...


Софиниб қабарган юрагим дедим,
Хаётда бир умр тиргагим, дедим.
Сиз менга кераксиз, керагим, дедим,
Софиниб кетдим...

Соғиндим, тополмай ўкиниб кетдим,
Ул келмас саробга юкуниб нетдим.
Чорасин тополмай тўкилиб битдим,
Сизни соғиндим...

Гулчехра ШАҲОБИДДИН қизи

"ГИРДОБ" КРОССВОРДИ**ЭНИГА:**

5. Сайёра. 6. Дунёдаги энг чукур кўл 10. Ўкта Усмонов романі.
11. Шеърий матнни тараннум этадиган мусиқа асари. 12. Ҳамид Олимжон поэмаси қаҳрамони. 15. Ҳароратни ўлчовчи асбоб. 16. Табиий модда ҳолати. 18. Қрим вилоятидаги шаҳар. 149. Қадими Мир фиръавнларининг пойтахти. 20. Геометрик кўпёкли жисм. 24. Ҳамдустлик мамлакати пойтахти. 25. Цитрус ўсимлиги. 26. "Уфқ" романі муаллифи. 29. Машхур рус синовчи-учувчиси. 30. Андикондаги шаҳар. 32. Товушни ёзиб олиш ва қайта эшитиришни биринчи бўлиб кашф этган Америка олими. 33. Амур дарёсининг чап ирмоғи. 34. Кислота тури.

**БЎЙИГА:**

1. Дехқоннинг иш қуроли. 2. Сўровнома. 3. Техника экини. 4. Ҳинд бадий фильмни. 7. Россия футбол жамоаси. 8. Республикамиздаги вилоят. 9. Покистондаги шаҳар. 13. Россиядаги қаҳрамон шаҳар. 14. Ивано-Франковск шаҳрининг 1962 йилгача бўлган номи. 17. Франция пул бирлиги. 18. ... Яшин. 21. Аник фан. 22. Шиша буюм. 23. Европадаги давлат пойтахти. 24. Эгизак фарзандлардан бирининг исми. 28. Текисликни ўлчовчи асбоб. 30. Греция пойтахти. 31. Йилига икки марта ҳосил берувчи мева.

Тузувчи:
Турсунали ФАНИЕВ

Даниянинг Эбелтофт шаҳарасида умргузаронлик қилиб келаётган Ене Линггрен билан юзма-юз бўлган киши, эҳтимол унга ўз ёшини бермас. Чунки, 91 ёшда кишининг хотираси заифлашиб, кўзлари хирадлашиди, тишлари тўкилади. Линггренинг эса аксинча, хотираси тиник, 32 та тиши бутун. Хўш, бунинг сири нимада?

Отахон ҳеч кимдан ўз бардамлигининг сирини яширмайди. У овқатига ўргимчак кўшиб истеъмол қилиши туфайли қаримасдан келаётган экан. Болалигда у газетада Карл Линней деган тадқиқотчанинг ўргимчаклар инсон умрини узайтириши ҳақидаги кашфиети тан олингани ҳақида ўқиб қолади. Шундун сўнг Ененинг кундалик таомлари орасидан ўргимчаклар хам жой ола бошлаган ва хар куни у икки-учтасини ейишга одатланган.

«Ўргимчак таркибида инсон соғлиги учун бениҳоя зарур бўлган оқсил моддаси бор, худди шу нарса кишига куч-куват багишилайди. Ўргимчакни ўш ўтгандан кейин эмас, балки болаликдан бошлаб тановул қилиб керак», деб ёзди Даниядаги чиқадиган «Экстра бладет» газетаси.

**ФАЛОКАТ
САБАБЧИСИ АЙИК**

Сахалиндаги катта трактли йўллардан бирида айиқ туфайли фалокат содири бўлди. Сахалин давлат автомобил назорати бошармаси бошлиғи Валерий Рибаков «Труд» газетаси мухбирига берган интервьюсида улкан қийшиқоёқ ўз жонига қасд кильмоқчи бўлгандек, катта теззик билан «учиб» келаётган автомобил сари югуриб чиккачни маълум қылган. Натижада «Ниссан» русумлии автомашина айиқполвон билан тўқнашиб, кўнгилсиз ходиса рўй берган. Йўлтранспорт ходисаси жанубий Сахалиндан 30 км. нарида содир бўлган.

Машина билан тўқнашиб кетгач, айиқполвон йўл чегига йўқилган ва бир амаллаб ўрмонга етиб олган «Ниссан» ҳайдовчиси хам яхшигина шикастланди. Машина эса капитал таъмирсиз «одам» бўлмайди.

Бундай воқеаларга кўпинча ақлии зот эгалари сабаби бўлишарди, айиқполвонни эса катта маддий зарап етказгани учун жаъобгарликка тортиш ҳам кийин.